

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## 2003 — ЙИЛ «ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ»

барчамизга чексиз  
бахт-саодат келтирсин!



Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Ислом КАРИМОВ

### “МИНГ-ЎРИК”ДА МЕҲР БОР, ОҚИБАТ БОР...



- Илоё, бизга ўхшаб кўша-қариб юринлар, - дейди 87 ёшли Ашрафхўжа ота билан Инобат опа.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Минг-ўрик» маҳалласининг анча кўҳна тарихи бор. У 1927 йилда ташкил



- Ҳаётимиздаги энг бахтли лаҳзалар. фарзандлару, набираларимиз жамул-жам бўлган кун, - дейди устоз Сайди УМИРОВ.

этилган, 1991 йилдан бошлаб «Минг-ўрик» деб аталади. Маҳаллани «Республикада хизмат кўрсатган саноат ходими» Тойир ака Султонов бошқаради. У киши 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган маҳалла фуқароларини яхши танийди. Ҳар бир оиланинг яшаш шартини беш кўлдек билади.

- «Минг-ўрик»ликлар бир-бирларига жуда оқибатли. Тўй-маъракаларида ҳамдард, ҳамфикр. Маҳалланинг ўз педагоги ҳам бор. Худудимиздаги 105-мактабга маҳалладаги директорлар кенгаши аъзолари билан бориб суҳбатлашиб турамиз. Худудимиздаги ҳар бир оила эътиборимизда. Муҳтож оилаларни имкониятимизга қараб таъминлаймиз. Айниқса, табарруқ кексаларимиз эъозда. Уларни, қимматли ўғитлари, маслаҳатларини қадрлаймиз. Юртбошимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганидан мамнун бўлдик. Биз «Минг-ўрик»ликлар маҳалламизни ҳамиша обод қилиб яшаймиз, - дейди Тойир ака.

(Давоми иккинчи бетда.)

### ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ТИЛАК

Юртдошларимизга самимий ва эзгу тилакларимни йўллайман. Сизга, айниқса «Оила ва жамият»нинг ижодий жамоасига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, ижодий баркамоллик тилаб қоламан. Муштарийлар бахтига доимо омон бўдсанлар.

«Оила ва жамият»нинг ҳар бир сонини ўқир эканман, унинг нафақат газета эканлигини, балки унинг оила билан жамият ўртасидаги узвийликни кўрсатувчи, тарғиб этувчи, тушунтирувчи маънавий-маърифий омили эканлигини ҳис қилиб бораялман. Қолаверса, жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий, маънавий ва моддий шаклланишида оиланинг нақадар муҳим ўрни тугишини, унинг ёзилган ва ёзилмаган тамойилларини тушунтириб, ўқувчининг дунёқарашини ўзгартиришда «Оила ва жамият»нинг хизмати жуда беқийёс. Бойси, кейинги пайтларда баъзи газеталарда ҳаётийлик, ҳақиқий воқелик ўрнини олди-қочди хабарлар, мақолалар эғаллаб бораяпти.

Кейинги пайтларда газетамизнинг янги сонлари ҳақида анча хабардорман. Янги йилдан Худо хоҳласа, янги мақолаларни ҳам мириқиб ўқиб қолармиз. Истардимки, сеvimли газетамиз доимо ҳақиқий газета бўлиб қолсин. У доимо дилларга маҳкам, кўнгилларга ҳамдам, эзгу ишларга ошно бўлиб қолсин.

Яна фурсатни ганимат билиб, юртдошларимизни ва ижодий жамоани кириб келаятган Янги йил билан чин қалбимдан табарриқлайман. Келаятган Янги йилимиз омад ва қувончлар йили бўлсин. Ҳар бир хонадонга бахт ва омад олиб келсин.

Sevimли газетамизнинг муштарийларига ҳам бир дунё тилакларим бор.  
Барчангизга 2003-йил қутлуғ йил бўлсин.

Бу йил барчамизга яхшиликлар олиб келсин. Хонадонларимиз обод бўлсин. Барчаларингизнинг кўзларингиздан фақат қувонч ёшлари тўқилсин. Юртимиз тинч, осойишта бўлсин, 2003 йил ҳам эзгу аммаллар йили бўлсин. Яхшиликлар йили бўлсин. Барчангизни Янги йил билан муборакбод этаман.

Янгидир бу кунлар, янги туйғулар, Янгидир биз билган бугунги дунё. Эсламаймиз энди, қолсин қайғулар, Хуш келгин юртимга эй Янги йилим!

Юрагимни гулга жойлаб кутаман, Андухларни ортга буткул отаман. Дилларга кириб кел, сени кутаман, Юрагимни кўшиб тутаятганим.

Янги йилда янги бахтлар тилайман, Эзгуликни меҳрим билан сийлайман. Айём муборак хур, жонажон элим, Эзгулик бешиги бўлсин бу йилим.

Тангрим ато этиб файзу барокат, Биздан эрур яхши фазлу ҳаракат. Қувончларнинг йили бўлсин то абад, Умримнинг ҳар йили, ҳар они беҳад.

Юртимга азалдан гуллар ярашар, Дехқонимга азим қўллар ярашар, Хур юртимга боқий йиллар ярашар, Хуш келибсан боқий даяётганим, Қалбим интиқ бўлиб кутаётганим.

Мурод ДИЛ

Андихон вилояти,  
Шаҳрихон тумани,  
Чўжа қишлоғи

Ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, гуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў кўшадиган инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб-авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажақ авлодларга етказиш зарур.

Ислом КАРИМОВ

## МЕҲНАТНИНГ, МЕҲРНИНГ МЕВАСИ ШИРИН

Кува туманининг Салим кишлоғида оқ яхтали забардаст чол билан гулдор кўйлаги ўзига ярашган, кўзлари кулиб турадиган бир кампир яшайди. Исмлари Мухаммадмусо ота ва Орзухон хола. Отахон велоспидега миниб, чевараларни боччага олиб борадилар. Отахон набирани келинлар ёнида куймадилар.

Хар ихкисининг ёшлари 74 да, бир ёстикка бош кўйганларига 55 йил тўлди. Ҳалиям бир-бирларига иззатли, меҳрибон. Хар йили албатта Тошкент томонларга ё Олтиариқдаги сихатгоҳларга имтиёзли йўлланма билан бориб, яхшилаб дам олиб келишади. Кейин яна рўзғорга бош-қош бўлишади.

Маҳаллада уларга қанчалар ҳурмат-эҳтиром билан қарашса, ҳордиқ жойларида ҳам буларнинг аҳиллиги, қалинлиги ҳамманинг хавасини келтиради. Бу чол билан кампир нега бунчалар тотув, нега бунчалар эл-юртнинг ҳурмати қозонишган? Нуронийлар билан шу ҳақда суҳбатлашдим.

— Кайдам, — дейди отахон жилмайиб ва бироз ўйга толиб жавоб беради, — ҳаммасининг сабабчиси меҳнат, меҳр деб ўйлайман. Қўни-қўшни, бола-чақа, эл-юртга меҳр, бир умр сидқидилдан ишлаш... Ота-онам мени болагимдан меҳнатга, ҳунарга, инсонга меҳрибон бўлишга ўргатишди. Уруш йиллари эди. 14-15 ёшимдан трактор миниб, далага чиқиб кетдим. Кечгача беш-ун йигитнинг ишини қилардим. Эллагинчи йили ҳарбий хизматга чакирилдим. Россия томонларда тўрт йил кишин-ёзин вагонда яшаб, минглаб чақирим масофага темир йўл кўрдик. Бу иш сабот-матонат, темир интизомни талаб қиларди. Чиниким, тобландим, раҳматномалар олдим.

Кишлоққа қайтгач, МТСга, яъни техника устахонасига ишга таклиф қилишди. Техниканинг барча турини таъмирдан чиқариб, дулдул отдек созлаб қўярди. Колхозга қаердан, қандай техника олинса, мен бориб танаб, саралаб, миниб кўриб олиб келардим. Масковда Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмаси бўлгучи эди. Неча марта бориб совринлар, медаллар билан қайтдим.

Отахон бироз жим қолади ва умр йўлдошига алланечук меҳр-ла жилмайиб қарайди.

— Бахтимга Орзу холагиз ҳам жуда меҳнатсевар чиқди. Дехқон боласи-да,

келин бўлиб тушиб, эртасига далага чиқиб кетди. Нормани икки-уч баробар адо этди. Харбийга кетганимда кўлида ёш бола билан аям учовлари қолишди. Орзухон ишлаб, рўзғор тебратди. Онам бир умр келинини мақтарди, дуо қиларди. Шу Орзухоннинг парварishi биланим, деярлик тўқсон йил умр кўрди, раҳматлик онам!

Отахон чой хўплаб, бироз жим қолди. Мен Орзухон холини саволга тутаман.

— Кейин йигирма йил фермада сут соғувчи бўлиб ишладим. Болаларни катта қилдик. Кейин нафақага чиқдим. Шу... — деб тезгина гапини тугатди хола.

— Холагиз шунақа камтар-да. 25 та сигирни кўлда соғиб, илғор бўлганини, кунига 400 литрдан сут тоштиганини айтмайди. Тўққиз болани туғиб, оқ ювиб, оқ тараб катта қилганини айтмайди. Ҳозир ҳам тинмайди у.

Орзу хола "кўп мактаманг" дегандек майин кулиб кўяди.

— 55 йил давомида холамларни хафа қилган вақтингиз бўлгандир-а? — Нега хафа қилиш керак аёлни? У фарзандларингга яхши она бўлса, уларни туғиб, тарбияласа. Ораста, пазанда бўлса. Яна ишласа. Бундай аёлни эҳтиёт қилиш, кўнглини кўтариш, унга ёрдам бериш керак.

— Менимча, кўша қаримок кўпрок бир-бирини эъозлашга боғлиқ-а?

— Ҳа, яшанг! Балиқ сув билан тирик, инсон меҳр билан. Яхши гап юракка малҳам. Оналар, аёллар фақат севишга, меҳрга лойиқ!

— Фарзандларингиз ҳам сизларга ўхшашидими?

— Шукр! Ҳаммаси меҳнатқаш. Уйли-жойли, мироб, ўқитувчи, тракторчи, чевар, ошпаз, дехқон дегандай ҳаммаси ишини толиб, ишлаб юришибди. Невара келинлар хизматимизда. Чеваралар ҳам катта бўлишпти. Кўрсатганига шукр...

Мухаммадмусо ота ва Орзухон аянинг ўттизта набиралари, тўққизта чеваралари бор. Қуда-қудагайлар, келин-куёвлар бари тўпланишса борми, бу катта ҳовли тўлиб-тошади. Улар қанча тўйлар кўришди, болаларга атаб қанча ўйлар қуришди. Энг мухими, эл-юртга яхши хизмат қилиб яшашни ҳам билишди.

Кишлоқда элдан, юртдан кўп эъозлар кўраётган, кўша қариган бундай чолу кампирлар жуда-жуда кўп.

Ҳа, меҳнатга, инсонга меҳр бор экан, унинг меvasи ширин бўлаверади.

Санъат МАҲМУДОВА

## ТАНИШИНГ: ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР!



### ИЛМГА ЧАНҚОҚ ҚИЗ

Наргиза ТУРСУНОВА — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини "Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси" факултети магистри.

Наргиза Турсунова фан бўйича ўтказилган институт ва республика олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришган. Сам ДУда ўтказилган республика олимпиадасида рус тили фанидан 2-чи ўринни, 2002 йилда БУХ ОО ва ЕСТИ да ўтказилган республика олимпиадасида Озиқ-овқат технологияси фанидан 2-чи ўринни эгаллаган. Шуниингдек, унинг бир қатор илмий мақолалари равишда матбуотда чоп этган.



### ШЕЪРИЯТГА МЕҲРИ БАЛАНД, РАҚС ЖОНУ ДИЛИ

Нигора ЖУМАЕВА — Бухоро вилояти, Вобкент туманинг марказий кутубхонасига қарашли 6-сон тармоқ кутубхоначиси.

Нигора Жумаева кутубхона ишига жуда қизиқади, изланади. Болалар билан ишлашни яхши кўради. Санъат борасида ҳам унга тенг келади яхши йўқ. Унинг рақсга бўлган қизиқиши ҳам жуда баланд. "Тановар", "Лазги", "Бухороча рақс" кабилар жону-дили. Шунинг билан бирга у шеърлар ҳам машқ қилиб туради.



### ЗАРГА ҲАРАГИМ КЕЛАДИ ДУНЁНИ

Дилдора АВЕЗОВА — Бухоро шаҳар 17-ўрта умумтаълим мактабининг 10 синф ўқувчиси.

Дилдора Авезова 2000 йилда ўтказилган "Энг ёш ҳунарманд" кўрик - танловида фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари унинг ижодий ишлари фақатгина республикамизда эмас, балки халқаро кўргазмаларда ҳам ўз ўрнини топган. Унинг зардўзлик тарихига оид "Зарга ўрагим келар дунёни", деб номланган тўплами зардўз қизларимизга энг қулай қўлланма бўлса, "Ёшлигим" номли шеърлий тўплами шеърят ихлосмандлари учун чинакам совға бўлди.



### МЕН ҲАЛИ ГУНЧАМАН

Мархабо УМИДОВА — Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги 28-сонли мактабининг 8-синфиди ўқийди. Адабиётга қаттиқ меҳр қўйган Мархабо туман, вилоят, ҳамда республикамизда ўтказилган барча тадбирларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келади. Мархабонинг "Мен ҳали гунчаман", "Кўнгил меҳроби", "Кўнгил қўшиқлари", "Аёлга таъзим" номли шеър ва ҳикоялар тўплами чоп этилган.



## "МИНГ-ЎРИК" ДА МЕҲР БОР, ОҚИБАТ БОР...

"Минг-ўрик" маҳалласидаги фаоллар ҳар бир тадбир олдидан мана шундай йиғилишади. Ҳундан чагга: А.Қодиров, М.Рихсиев, маҳалла оқсоқоли Т.Султонов, Т.Юнусов, Ш.Абдуллаев, С.Тошмухаммедовлар яна ҳам бўлишди.

(Боши биринчи бетда.)

Дунёда ўзинг билган одамлар билан қадрдон бўлиб яшашдан ортиқ бахт бор эканими? Шукрки, биз шундай ажойиб элда яшаймиз. Юртбошимизнинг келгуси йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилишлари менинг ҳам дилимга нур бағишлади, дейди Ашрафхўжа ака дуога қўл очаркан.

ланмасин. Маҳалланинг яхшилиги шундаки, бу ерда ҳеч ким ёлғиз ёки қаровсиз қолмайди.

Қадрият, қадрлаш аввало шу ерда шаклланади. Биз катталар эса ўз яшаётган гўшамиз ёшларига имкон қадар шуларни сингдиришга ҳаракат қиламиз, — дейди устоз Сайди Умиров.

Раъно опа билан умр йўлдоши Турсунбой акалар ўтган умрларини ёшлар тар-

биясига бағишладилар. 6 нафар фарзандлари эл хизматида. Ўзлари эса 18 нафар набиралар қуршовида бахтиёр.

Уларнинг орзулари шундай: юртимиз осмони мусаффо бўлсин. Шириншакар набиралари ҳам юртимизга наф келтирадиган кишилар бўлиб ўсишсин.

Шунинг учун Раъно опага кўпчилик ўз оналаридек суняиб қолишган. Инсон ҳамisha ўзининг кимларгадир кераклигини билса, сезсагина ўзини бахтли ҳис қилиши мумкин. Раъно опа эса ўзини бахтли деб билади.

"Минг-ўрик" маҳалласи ҳамда у ердаги оқибатли инсонлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Зеро, улар минг йиллик анъаналаримизни, халқимизга хос бўлган қадриятларимизни гўзаллигича сақлаш, кўни-

қўшничиликни авайлашдек удумларни, урф-одатларимизни эъозлаб яшайдилар. Маҳалла шундай жойки у ҳаммани бир жойга қовуштиради.

Маҳалла ахли ватан севгисини униб-ўсиб келаётган болаларимиз онгига сингдиришдек савобли ишларни амалга оширишади. Ватан эса айнан



Сувратчи: М. МИРСОДИҚОВ

— Турсунбой ака билан Раъно опалар энди ўз ҳаётларини набираларига эртак қилиб ўтиришади.

шу ўзимиз ўсиб-унган маҳалла остонасидан бошланади.

БАСИРА

Муҳаббат... Қандай жарангдор сўз!  
Тахририятга кўнғирок қилиб, мен билан суҳбатлаган Аббор исмли 18 яшар йигитчанинг дарду хаёли ҳам айнаи шу экан.

- Опажон, мен сизларнинг маслаҳатингизга муҳтож бўлиб қолдим, - дейди йи-

нишди. Ироданинг уйига одам жўнатиб, кичик фотиҳа қиладиган бўлишпти. Ирода мени тушунишни истардим.

Унинг уйига неча бор телефон қилдим. Негадир мен билан гаплашгиси келмапти. Гушакни кўтариб, мени овозимни эшитиши билан қўйиб қўяди. Жуда

## АХИР ВАЪДА БЕРИБДИ-КУ



хам қўйнаиб кетдим. Маслаҳат беринг.

- Хали ёш экансиз. Чекиш соғлиқ учун зарар эканлиги сизга янглик бўлмас керак. Шунинг учун мен сизга чекмаслигингизни маслаҳат берган бўлардим. Энди, йигит киши бир сўзли, лафзи ҳалол бўлмоғи лозим. Гапингизнинг устидан чиқиб, чекишни ташласангиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Агар бир марта сўзингизнинг устидан турмасангиз сизга нисбатан бўлган ишонч йўқолади.

- Сиздан илтимос, шу айтган гапларимни газетлага ёзиб чиқаринг. Токи ўша севган қизим мени тушуниб, сўнг ҳаммаси яхши бўлиб кетса...

Йигит билан хайрлашиб унинг гапларини таҳлил қила бошладим. Шунда беихтиёр бундан анча йил илгари мен гувоҳ бўлган воқеа эсимга тушди. Менга таниш бўлган йигит ва қиз бир-бирларини қаттиқ севишарди. Мен уларнинг иккисига эътибор бериб юрардим. Қунда учрашиб, гаплашиб ҳеч гаплари тугамасди.

Бир куни арзимаган бир гапдан арашлашиб қолишди. Қунлар ўтиб йигит қиздан кечирим сўрайди. Қиз эса кечирмайди. Йигит қизнинг кетидан ялиниб

гитча чуқур "ух" тортиб.

- Агар бирон бир ёрдамимиз тегса биз охшандимиз, - дейман унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

- Ойлада ёлғиз ўғилман. Дўқонда савдо ходими бўлиб ишлайман. Ўзига туқ оиланинг фарзандиман. Топиш-тутишим ҳам яхши. Ҳамма нарсама етарли. Етти ойдан бери Ирода исмли қиз билан танишман. Мен уни жонимдан ҳам ортқ севаман. У юридик коллежда ўқийди. Унинг оиласидагилар билан ҳам жуда яқиндан танишман. Онаси билан ҳам гаплашганман. Мен уларга, улар менга

### Чоршанбадан чоршанбагача — Кўнғироқларингиз...

маъкул келди. Ироданинг онаси билан гаплашганимда: "Кўрамиз, бир гап бўлар. Қизимнинг ўқиши тугайверсинчи", - деган эди. Ёшим 18да бўлишига қарамай топармон-сутармон боламан. Ота-онаминг ёлғиз ўғли бўлганим билан уларга оғирлигимни туширмасликка ҳаракат қиламан. Мени шундай таралашган.

Гапларингиздан ҳаммаси яхшига ўхшайди. Қандай муаммо сизни қийнаётти?

- Ўша ўзим севган Ирода кўйган бир шарт мени ташвишга соляпти. Мен чекишни ташлашим керак экан. Бир-икки кунда бўладиган ишмас-да, бу. Ўзингиз ҳам тушунасиз-ку. Лекин унга тушунтира олмаяман. У эса: "Шу айтганимни қилсангиз кейин гаплашаман", деяпти. Иродага чекишни секин-аста ташлашга ваъда берганман. Яқинда ота-онамга севган қизим борлигини айтиб, уни ота-онаси бошқа бировга узатиб юбормаслиги учун унаштириб қўйишларини илтимос қилдим. Улар ҳам мени тушу-

юради. Охири умидини узиб, вақти соати етганда бошқа бир қизга уйланади. Қиз ҳам бошқа бировга эрга тегиб кетади. Мен буни эшитиб хайрон қолгандим. Чунки уларнинг муҳаббатларига ҳаммининг ҳаваси келарди. "Беғубор севи ашу шундай бўлади", дея ҳавас қиларди кўрганлар. Айтишларича, қиз кўп ўтмай қилган ишига афсусланиб, эрдан қайтиб келибди. Йигит эса, тақдирга тан бериб ўша вафодор ёри билан умр кечирмоқда экан.

Шу ўринда эса Иродага ҳам икки оғиз гапим бор эди. Иродохон! Аббор сизни севаркан. Агар сиз уни севсангиз бахтингизни қўлдан бой берманг. Мен сизни фикрингизга қўшиламан, у чекишни ташлаши керак. Лекин у сизга ваъда берибди-ку! Зора ваъдасида турса... Эро, халқимизда "Йигит сўзидан қайтмас, арслон изидан", деган нақл бор. Сал сабрли бўлинг ва кутинг!

Латофат САЪДУЛЛАЕВА



## АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

(Хадислар талқини)

### "Шошилмаслик Аллоҳдан, шошилиш шайтондандир". Хадис

Шошилиш зўриқишга олиб келади. Қадимингчи ўринсиз тезлаштирсанг, қоқилиб йиқилишинг мумкин. Қўл ҳаракатингга зўр берсанг, уни бунга уриштириб юборишинг, тилингни шошилтирсанг, нокерак гапни айтиб юборишинг, ақлингга газ боссанг, хом хулосаларга келиб қолишинг мумкин. Айниқса, аёл шошқалоқ бўлса, оиласида мувозанат бўлмайди. Ҳамма аёл ҳам сифат белгиси билан тугилмаслиги, унинг устига орада шайтон борлигини ҳисобга олсак, шошилишнинг зиёни беҳаддир.

Ойла азволарингга гумон билан қараб, уларнинг асабларини бедавога, неча кунларингизни қарога айлантирсанг. Болаларинг тақдирини шошилиб ҳал қилиб, бахтсизликлар ясаб, армонларда тўзиб борасан ва ҳоказо...

Фақат ўзининг оиласини куйдирса майли-я, баъзан бир енгил ўйлайдиганининг касри бир жамоага, бир жамоанинг шошқалоқлиги минг жамоага зиён етказиши мумкин. Масалан, маънавиятни юксалтириш бўйича ҳукуматимизнинг қатор қарорлари чиқди. Бунга дарҳол жавоб бергилари келди-да, бир шошқалоқ бўлаб берди-ю туғруқнонадан то машина саройигача "Маънавият хоналари" ташкил этила бошлади. Ваҳоланки, маънавият марказлари томонидан бундай кўрсатма берилмаган эди. "Қандай маънавий ишлар олиб бораёсиз?", деган саволга юзларида фахр билан обдон ялтиллаётган, машҳур кишилар суратлари ва плакатларга ўлдирилган хонани кўрсатдилар. Шу билан гўё маънавият яратиб бўлинди! Текширувчи боргандагина очиладиган бу хоналар одам кирмагани учун, доим бўёқ ҳиди билан димиқиб туради, гиламлари ҳам ҳаммаша яп-янги. Ҳар бир мактабда пештоқига "Маънавият хонаси" деб ёзилган хона албатта бор! Айтинг-чи, маънавият бир хонага жамлаб қўйиладиган нарсами? Ахир мактабнинг ўзи яхлит бир маънавиятхона эмасми, мантиқ қани, биродар?

Маънавий тарбия - инсон дунёнинг бу эшигидан қириб, у эшигидан чиқиб кетгунича давом этадиган илм бериш жараёни дегани! Маънавият инсондаги виждондир, ориятдир. Маънавият тарбияси шу ор, виждонни асраш, ўзини ва ўзгаларни асраш илмидир! Фазл йигит, ВАТАН ВА ХАЛҚ деб аталган онаи муқаррамага муносиб бўлиш илмидир! Бундай муқаддас юмуш шошқалоқликни кўтардимми?

Мустанқиллик бизга дин, виждон эркинлигини берди, офтоб юрагимизнинг ўртасидан балқигандай бўлди. Аммо яна шайтон оралади - шошқалоқ

лоқ ҳудожўйлар кўпайди, маҳалларда шитоқлик билан мачитлар кўпая кетди. Қарабсизки, бу бир тўп гоъвий душманлар учун қулайлик бўлди. Заҳмини элу юрт тортади.

Етти-саккиз йил бурун ўтказилган бир давра суҳбатини эслаيمان: фаоллар билан бирга исломий илмга ихлос қўйган аёллар ҳам тақлиф қилинган эди. Дил поклиги, бурч ва садоқат ҳақида гап кетарди. Мажлис ахлининг асосий қисми бўлаётган гапларга хайрихоҳ эканлиги шундоққина кўриниб турар, аммо бир ёшгина жувоннинг менга тикилган нигоҳи жуда асабий эди. Ҳа деганда меннинг ҳам кўзим шу аёлга тушаверди. Сўзимни бўлиб, унинг фикрини сўрадим, худди шунга кутгандай у бирданига портлади. "Бундай гўзал суҳбатлардан фойда йўқ! Ёшларнинг тарбияси яхши бўлсин десак, тезлик билан мактабларда қизлар билан ўғил болаларни ажратиб ўқитишга ўтиш керак! Ҳамма кўнглисизликнинг сабаби ўшанда!" - деди иддао билан. Бу жувоннинг нияти яхши, аммо унинг фикрлашида бегоҳлик бор эди, агар у шу тутумда кетса, албатта қош кўяман деб кўз қираваради! Дарвоқе, газетхонларимиз орасида ҳам унинг фикрини маъқуллайдиганлар бордир, шунинг учун чоранинг тезини қидирадиган бу аёлга билдирган мулоҳазаларимни яна бир айтиб ўтай.

"Айтинг-чи, синглим, - дейман унга, сиз ҳам аралаш мактабда таҳсил кўргансиз, демак ўзингизни айниган ҳисоблайсизми?" "Мен ундайлардан эмасман!" - дея хитоб қиладу...

Бу аёлнинг ўзидан бошқага бадғумонлик билан қарашининг ўзи мусулмончиликдан эмас, бу бир Ичкиндан, яхши ният сари бундай газаб, аламзадалик билан киришмайдилар. Пайғамбаримиз айтадилар: мусулмоннинг кўзга ташланадиган биринчи белгиси ҲИЛМдир. Қолаверса, бирга ўқигани қиз-ўғил айнаиб кетаверса, атрофда соғ одам қолармиди!

Ахлоқнинг яхши-ёмонлиги асосан зотга, тарбияга боғлиқдир. Боланинг аввал дилини поклаш керак, яъни гўзал ахлоқ илмини фан сифатида кўплаб ўқитиш, сингдириш керак. Харомдан ҳазар, ҳалолга интилиш хоҳиши кишининг юрагидан сизиб чиқмас экан, у ўлжасини пойлаган ўғри мушукдай иш тутаваради. Асил инсонларнинг боласини қай даврага солманг, атрофини тозартирсанг тозартирадими, айнамайди. Ёмонга минг чора кўринг, алоҳида мактабда, ҳатто устидан қулфлаб қўйиб ўқитинг, барибир, девордан ошиб бўлса-да, харом тамоғини тараверди. Қолаверса, бугунги ўсимир кизу йигитни (ҳали гуноҳдан қўрқиб илмини тугал олмаган ёшларни) ўзaro қанча узоклаштирсангиз, шайтон уларнинг бир-бирига қизиқишини шунча орттираверади.

Ўғил-қизларнинг аралаш ўқигани маъкул, улар бир-бирдан андиша қилиб ҳам, шармсизликдан ўзларини тийиб борадилар.

Оз бўлса-да, енгил табиат ёшларнинг учрашига сабаб уларнинг аралаш ўқитилиши эмас, маънавий тарбияни етарли ололмаётганидир. Илм сингдиришнинг турфа усуллари қидирмаяпмиз, қидирсанг-да шошилиб қўйиб, натижа ола билмаяпмиз. Бунинг учун биз мураббийлар, яъни ота-оналар, муаллимлар, отинийлар, қўйинг-чи, ҳамма ёши улуглар ёшлар қошида хижолатликмиз. Шошилмайлик, аммо излашдан тинмайлик.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)  
Турсуной СОДИКОВА

## САДОҚАТ ТИМСОЛИ ЭДИНГИЗ

Садоқат ҳақида гап кетганда кўз олдимизга ойижонимиз келади. Ойижонимизнинг исми Зарофат, адамизни эса Миррортиқ дейишарди. Улар бир-бирларига меҳрли бўлишиб, олти йилгина бирга умр кечирган, ҳолос. Оллоҳнинг иродаси билан адамиз жуда ёш — 31 ёшларда оламдан ўтган экан. Биз фарзандларнинг каттамыз 5 ўшда, кичигимиз эса олти ойлик чақалоқ бўлган эканмиз.

### Хотира — муқаддас

Сочлари узун ва гўзал бўлган ойижонимизнинг қисматига шу уч гўдакни боқиб вазифаси тушади. Бутун умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган ойим колхоз далада тинмай ишлади. Кийим-кечак тикди, нон ёпиб кунни тунга улади.

Йиллар ўтиб уч фарзандини ҳам уйли-жойли қилди Ўн беш набира ва ўттиз учта эвара кўриниб бахтига эришдилар. Ойижонимизнинг меҳри худди қуёш нурига ўхшарди. Қуёш барчага баробар ўз нурини сочганидек, улар ҳеч кимдан ўз меҳру-муруватларини дариг тутмас эди. Биз қизлар ҳам ҳаётда ўз бахтимизни онамиз тўфайли топдик.

Тўнғичимиз Шаҳодат (Тоҷиниса) уй бекаси, ўртанча Мўминхожи кимё институтида директор муовини, кенжа Саодатхон эса иқтисод фанлари доктори, профессор. Ҳозир ЎзРФА Кибернетика институтида лаборатория мудири бўлиб ишляпти. Ҳам оталик, ҳам оналик вазифасини бажариб бизни комил инсонлар қилиб тарбиялаган онамиз 1994 йил 15 дегимиз кабрда оламдан ўтди. Энди уйдаги ҳамма нарса онамизни эслатаверади. Онажонимиз мерос қилиб қолдирган фазилатлари - сабр ва қаноат бизларга мадад бўлмоқда. Онамизнинг руҳини шод этиб, аҳил-тотув бўлиб яшайтишимиз. Ота ҳовлимизга йиғилишиб онамиз, отамиз руҳларини хотирлаймиз.

**Фарзандларга тилаб умр,  
Ўтган кунга қилдик шукр.  
Ўзганлар сизни дерди хур,  
Кўнглигиздан ёғарди нур.  
Жойингиз гулларга макон,  
Жаннатда бўлсин онажон.  
Фарзандларингиз Шаҳодат  
(Тоҷиниса), Мўминхожи  
ва Саодат**

Одам боласи йўлдан адашса, яна ҳаётини изга солиши қийин кечаркан. Утган кунлардаги гуноҳлар янги кунлар учун бир ярмоққа ўхшаб кўнгил хижил бўлавераркан.

Бир куни йўлда бир аёл билан танишиб қолдим. У кўзимга жуда барно кўринди. Аёл билан уч-тўрт марта учрашдим. Унинг эри, болалари бор эди. Бу гап хотинимни қулоғига етиб борибди. Оқибатда у бизни зимдан пойлаб юриб, тугиб олди. Шундан кейин уйга келсам, ҳамма кийимларимни жомадонга солиб тайёрлаб қўйибди. Мен буни кутмагандим. Чунки, мен танишиб юрган аёл, яъни Моҳирахон эридан ажрашмоқчи эди. Мен ҳам хотиним билан жанжалсиз ажралиш масаласини ўйлаб юргандим. «Айни муддао бўлди», деб қувондим ҳам.

Кейин бирор ҳафта ўтиб Моҳирахоннинг уйига бориб у билан яшай бошладик. Уч ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетди.

Киш ҳам келди. Айни совуқ кунлардан бири эди. Биз Мо-

оёқлари остига ташлади. "Нима қилсанг қил, мен билан ярашгин. Ахир икки боламиз бор? Майли, мен ҳам сени кечираман. Сен ва болаларимиз яшагим келмайди!" - дея йиллай бошлади. Ичка-

жомадонимни олиб шумшайиб яна хотинимнинг олдига келдим. Моҳирахоннинг эрига ўхшаб унинг оёқлари остига ўзимни ташлаб йилгандим. Тавба қилганими, уни бир умр қўлимга кўтариб яшашимни айтдим. Аёл киши экан-да, мени кечирди. Яна у билан яшай бошладик. Бироқ энди ишдан сал кечиксам у менга шундай қарайдики, ерга кириб кетгим келади. Мен эса сабабини ташуунтириб, гувоҳлар билан ўзимни оқлайман. Бу эса менинг жонимга тега бошлади. Лекин наилоҳ, бу кўргуликларнинг барига фақат ўзим айбдорман. Гап келиб қолганида эса қайта-қайта айбимни таъкидлашдан асло чарчамайди. Лекин нима қилай, бир адашдим, зўр адашдим-да.

МИРПҲЛАТ

# БИР АДАШДИМ, ЗҲР АДАШДИМ



ридан икки боласи югуриб чиқиб дадаларининг бўйнига осилди. Қарасам Моҳирахоннинг ҳам кўзлари тўла ёш. Бир пайт мени чақириб: "Кечирасиз, болаларимни отасидан жудо қилиб хато қилибман. Энди у билан ярашаман", - деди. Мен эса

## "БИРИНЧИ ИМТИХОН"ДАН ҚАБААЙ ҲАРАБОТ

Ҳарбий хизматимнинг иккинчи йили касалланиб шифохонага тушиб қолдим. Даволаниб ҳарбий бўлишимизга қайтсам, бригадамиз бошқа бир туманга командировкага кетган экан. Биз қурилиш ишлари билан шуғулланардик. Кейин мени қоровулликка тайинлашди. Биз 4 киши бўлишимиз дарвозасида навбат билан кун ора 2 кишидан бўлиб турардик. Бир куни кечаси навбатчиликда тургандим, соат 4-5лар оралиғида, ташқарида оёқ товуши эшитилгандай бўлди. Бир пайт дарвоза ёнидаги кичик йўлакча эшиги таққиллаб бошлади. "Бошлигимиз келди", деган хаёл билан эшикни очиб баробарида бир маст аёл ўзини ичкарига урди. Кийим-боши исқирт, сочлари тўзиган, унга кўшимча винонинг бадбўй хиди димоғимга урилиб, кўнглим айниб кетди.

вбатчилигини тугатиб умумий ётоқхонага кетган эди. Аёлнинг ётишини кўриб кўриб кетдим. Бир қўлимда стакан, бир қўлим билан аёлни туртиб: "Мана сув олиб келдим, ичингда, тезроқ бу ердан келинг, тонг ёришарди, бошлигимиз келиб қолса, мени 15 суткага қамаб қўйиши мумкин", дедим. Унинг беўхшов башараси тиржайиб: "Мени хоҳлайсанми?" деди дабдурдидан. Мен онам тенги бу аёлнинг гапидан кўриб: "Йўқ, мен ҳеч нарсани хоҳламайман", деб, жаҳл билан уни туршига ундаб, елкасидан кўтардим. У ўрнидан туриб мени қучоқламоқчи бўлди. Мен унга тутқич бермай чиқиб кетишга ундай бошладим. У чайқала-чайқала эшикдан чиқиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, яна эшик таққиллади. «Яна шу аёл келдими?» деган гумонда эшикни очдим. Йўқ, бошлигимиз келган экан. Эшикдан кириши билан менга юзланиб: "Тинчликми?" - деди. Мен ҳарбийчасига қилиб: "Худди шундай", деб жавоб бердим. Бошлигимиз: "Жуда яхши", - деб ёнимдан ўз хонасига ўтиб кетди. Эртаси кун тунги воқеани дўстларимга айтиб бергандим, баъзилари: "Яхши қилибсан зино қилмай дейишса", баъзилари: "Мени қақирмабсан-да, бир майишат қилардим", деб ичимни ит тирнаб қолди. Бу "зино қилиш" гуноҳ, деган чиққан чикмаган биринчи имтихоним бўлди.

СОБИРЖОН

## ЭШИКНИ СЕКИН ЁПАЎТГАНДИМ...

Акам дурадгор бўлиб ишлайди. 9-синфни битириб таътилга чиққанамда акамга шогирд тушиб ишлай бошладим. Бир кишининг айвон шиферини кўтариб беришимиз керак эди. Уй эгаси тажани, хотини билан тез-тез ит-мушук бўлиб турарди. Эри далада ишларди. Хотини эса бизнинг ош-овқатимизни қилиб берар, тез-тез чойимизни янгилаб, бизга ҳазил-хузул қилиб гирду капалак бўларди. Эрининг ичмаган куни бўлмасди. Бир куни акам бир жойга таъзияга кетаётди, менга қилишим зарур бўлган ишни тайинлаб кетди. Мен

оёғим тортиб-тортмай соат 11ларда ўша биз ишлаган уйга етиб бордим. Ховли жим-жит, овоз бергандим ҳеч ким жавоб қайтармади. Секин акам иккаламиз кийимимизни алмаштирадиган хона эшигини очдим. Қарасам ўша аёл чўзилиб ётган экан. Сесканиб эшикни секин ёпаётгандим, бошини ёстиқдан кўтариб қараб, ётган ҳолича бармоғи билан мени имлаб ёнига чақирди. Бир лаҳза бўсағада қотиб турдим. Уйга киришни ҳам, кирмаслигини ҳам билмайман. Унинг қистови билан ёнига бораёпман, гўё мени кимдир зўрлаб орқамдан суриб

бораётгандай эди назримда. "Нима дейсиз янга?", дедим овозим ҳам ўзимга ғалати туюлиб. "Нима, аёл киши билан ҳеч бирга бўлмаганмисиз?" деди жилмайиб. Мен бошимни сарак-сарак қилиб қимирлатдим. "Қалтираманг, ҳеч нарсаси бўлмайди", деб қўлимдан ушлаб ўзига тортганиди, бутун вужудим баттар қалтираб, оловдай қизиб кетдим. Кейин нима иш бўлса бўлди. Менинг хушу хаёлим ўзимда эмас эди. Бир пайт хушим ўзимга келди. Лаззатланиш нималигини ўшанда билганман.

АЛИШЕР

## АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ЭРҚАКЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

- Менимча, эркакларнинг энг аввало оиласи тинч бўлсин. Эркакнинг омади ва қувончлари оиладан келади.

Ғалина, ҳисобчи

- Эркаксиз уй деворсиз ховлига ўхшайди. Ҳеч кимнинг уйи эркаксиз, фарзанди эса отасиз қолмасин.

Озода, иқтисодчи

- Эркакларимиз уйдан ҳам кўра кўчада кўп юришади. Кўпроқ оилам, болам-чақам дейишса, ҳаётлари янада ширин кечади.

Мавлуда, матбуотчи

- Эркакларнинг кучли ва мағрур эканликларига шак-шубҳа йўқ. Ахир табиат уларга шуни раво кўрган. Аммо эркаклар гоҳо аёлларга ширин сўз айтишни, совға қилишни унутиб қўйишадими-да...

Муниса, уй бекаси

- Аёл эркакнинг маънавий кўмагига ҳамма муҳтож. Аммо яна шуни сирки, эркак-йигит деган моддий жиҳатдан ҳам кучли бўлсайди.

Санам, талаба

- Эркакларимизнинг тиллари-

дан ҳамма бол томонда. Вақти-вақти билан жуфти ҳалолларига чиройли совғалар ҳам қилиб туришсин.

Гулчирой, тижоратчи

- Эркаклар яхшими-ёмонми фарзандларимизга ота. Илоё, умрлари узок бўлсин у омадларини берсин.

Раъно, ҳамшира

- Инжиқ, худбин, шафқатсиз эркак бирон бир аёлга ёқмайди. Бундайлар Янги йилимизда ўзларига хулоса чиқариб олишса нақадар соз бўларди-я.

Шамсия, ўқитувчи

## ОЛАМНИНГ КҲЗ ҒАВҲАРИ ҲАМ БИЗ



Эргаш САЛИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз, Ақл кўзин қораси-жавҳари ҳам биз, Тўғарак ҳақонни узук деб билсак, Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз. Умар ХАЙЁМ

Жинсий алоқа, яъни секс — ҳаётни давом эттириш, насл қолдириш демакдир. Ҳар бир тирик мавжудотнинг яшашини унаниб химоя қилиши

керак, секс эса наслини химоя қилади. Демак, тана ўлади, генлар эса мангу яшайди, чунки у бир авлод танасидан бошқа авлод танасига ва ундан кейинги авлодларга ўтаверади. Ер сайёраси одам яшайдиган маскан бўлгани учун бу ерда ишлаб чиқариш тез ва унумдор бўлиши лозим. Секснинг мақсади бизнинг энг яхши табиий турларимизни танлаб, эволюцияни давом эттиришдир. Бизнинг танамиз шахватларни ва тухум ҳужайраларини ташувчи қобидир. Шундай экан, агар бизнинг танамиз унумдорликдан маҳрум бўлган бўлса, унинг маъноси қолмайди.

Секс — бу шахват ва тухумни қовуштирувчи ёқилғидир. Бу ёқилғисиз улар қотиб, емирилиб, қуруқ суяк изларини қолдиради ва бу қачонлардир яшаб ўтган ҳаёт изини нишонаси бўлиб қолар эди, холос. Демак, одам ўз ҳаётини янги



авлоднинг пайдо бўлиши учун бахшида этади. Янги авлод уни давом эттириб, ундан кейинги авлодлар учун замин ҳозирлай бошлайди. Умар Хайём бу ҳодисани қуйидаги рубойисидида фалсафий сўзлар билан шундай изоҳлайди:

Табиат сексни амалга ошириш учун организмни, яъни лаззатланишни ҳада қилди. Оргазмдан олинадиган лаззатланишни оддий сўзлар билан таърифлаб бўлмайди. Аёл киши эркак кишига қараганда кўпроқ лаззатланади. (Бу ҳақида алоҳида тўхталамиз). Оргазмга интилиш гўё эркакларда уй қуриш, аёлларда эса уни безаш иштиёқини тугдирганидек бир хуш кайфият бағишлайди. Оргазмнинг бўлмаслиги оилада уруш-жанжални чиқишига, кўпгина оилаларни бузилиб кетишига бирдан-бир сабаб ҳисобланади. Аёлларни тез қариши, ҳар хил касалликларга чалиниши, эрта келган климакс аломатлари ва бошқа кўпгина иллатлар ҳам секс тўлақонлик келиб чиқади ва бунда бўлмаслигидан бўлиб, бунга кўпгина эркаклар айбдордирлар. Бу соҳадаги маданиятнинг пастлиги, оилада бу тўғрисида чўқурроқ билимнинг йўқлиги ҳам

катта салбий аҳамиятга эга. Секс бир жинсдаги одамни ўзга жинсли одамга интиқ этади, одамни роҳат-фароғатда яшашга ундайди. Демак, секс — бу ҳаётини ўзаро муносабатлар калити бўлиб, меҳнат қилиш ва яшаш учун воқеага, Қолаверса, ҳар қандай дори-дармонни алмаштирувчи ва кўпгина касалларга малҳам бўлувчи ҳам сексдир. У экстазга, вақтишулик ва лаззатланишга хизмат қилади. У одамларни севги ҳамда кадр-қиммат иплари билан боғлайди, болаларни дунёга келтиради, инсон ҳаётининг давомчиси ва севгисининг ўлчови, унинг мақсади ҳам шулардан иборатдир. Ҳурматли газетхон! Газетаимизнинг келгуси сонларида секс тўғрисида маълумотнинг келиб чиқиши, секс ва фан, секс ва ислом олами каби масалаларга бағишланган мақолаларни ўқийсиз. (Давоми бор.)

ДУШАНБА 30

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлинома»
8.40 ТВ маркет.
8.45 «Замандаги буюк томошалар»

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тоғи.
10.00 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА 31

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот»
8.40 Газетлар шарҳи.
9.00 Байрамнингиз кўнгиллик ўйсин!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Бозорлар экрани».
17.25 «Кор ёқанда».

18.30, 20.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Кўнунг ташди».
20.30 «Радиус ХХI».
21.00 «Адл қалби».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Эртақларнинг сехри олами».
18.45 «Шунчаки ҳазил».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ
7.30-9.00 «Хайрли тонг».
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-Ада мусика».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Эртақларнинг сехри олами».
18.45 «Шунчаки ҳазил».

«УЗУЫ ЛЮБВИ». Теле-сериял (Мексика).
21.35 Экспло-новости.
21.55 Арнольд Шварценегер в боевике «БЕЗ КОМПРОМИССОВ» (США).

«УЗУЫ ЛЮБВИ». Теле-сериял (Мексика).
21.50 Времечко.
22.15 Пьер Ришар и Жерар Депардье в комедии «БЕГЛЕЦЫ» (Франция).

ЧОРШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛИНИ!

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-9.00 "Йилнома"
9.00 Газетлар шарҳи.
9.20 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
9.45 Байрам табриги.
9.50 "Спорт йилномаси".
10.25 "Шукре ва Байта".
Мультипликация премьераси.
3-қисм.
10.45 Эстрада тароналари.
11.05 "Ўзбекистон" каналда илк маротаба: "Уйда ёлғиз - 2".
Бадий фильм.
12.55 "Ораулар оғушида".
13.25 Болалар учун. "Ен-ён арчажон".
14.15 Ш. Бошбеков. "Темир хотин". Спектакль. 1-қисм.
15.20 "Мусликий уррашулар".
15.45 "Темир хотин". Спектакль. 2-қисм.
16.50 "Ягона омида".
17.20 "Президент арчаси".
18.35 ТВ клип.
18.45 "Сарҳисоб".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.15 ТВ клип.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Янги йил саргузашлари ёхуд истеъдодлар, қаердасиз?".
22.40 "Бокиралик асри". Бадий фильм. 1-қисм.
23.50 "Ахборот-даҳжест". 00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.50 Янги йилнингиз кутлуғ бўлсин!
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.30 "Янги авлод" студияси: "Уй вазифини".
9.55 Президент арчаси.
11.10 Очил дастурхон.
11.40 "Ёшлар" телеканалда премьераси: "Мешполлоннинг саргузашлари". Бадий фильм ("Узбекфильм").
12.45 Янги йилнинг - яхши йилми.
13.00 "Заковат" интеллектуал ўйини.
14.15 "Ёшлар" телеканалда премьераси: "Гарри Поттер ва хикматлар тоши". Ёлғиз - 2".
15.30 Чемпион сирлари.
15.55 "Гарри Поттер ва хикматлар тоши". Бадий фильм. 2-қисм.
17.10 "Каҳкаша" театр-студияси намойиш этади: "Иккинчи хангома".
17.35 "Яшил водий сари". Мультифильм.
18.35 "Каҳкаша" театр студияси намойиш этади: "Учинчи хангома".
19.00 Умид юлдузлари. 1-қисм.
20.00 Спортлото.
20.10 Умид юлдузлари. 2-қисм.
20.55 Иқлим.
21.00 Давр.
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Янги йил дастурхони.
22.40 Байрам тароналари.
22.55 "Ёшлар" телеканалда премьераси: "Муҳизалар фасли". Бадий фильм. 00.20-00.25. Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 "Болажонлар экранни". Сайрага чиққан кичкинтой".
19.00 "ОБСМТ". Янги йил ҳақида.
20.00 "Умид юлдузлари".
20.25 "Обод маҳаллам".
20.35 "Бир кулишайлик".
21.10 "Табриклиямиз-кутлаймиз".
21.40 "Хангома". "Паловхонтура".
22.30 Кинонигоҳ. "Санта клаус".
00.00-00.05 "Хайрли тун, шаҳрим!".

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал
8.00 "Хайрли тонг".
10.00 "Қумуш тўғича". Мультипликация.
10.10 "Ҳазил кетидан ҳазил" фильм. 1-қисм.
10.40 "Диканка кишилоғи яқинидаги оқшомлар". Комедия.
12.20 М. Киселева "Ким миллионер бўлиши истайдиган кўрсатувиди".
13.15 "Лаззат".
13.45 М. Задорнов, К. Новикова, М. Галкин ва Л. Изамайловлар широкоридаги ҳажвий кўрсатув.
15.50 "Аралаш".
16.15 "Флик саргузашлари". Мультифильм.
18.00 Янгиликлар.
18.15 "Йил қўшиқлари". 1-қисм.
21.00 "Катталар учун Тонгги томоша". Бадий фильм.
22.15 "Тенгдошлар".
23.45 "Ахборот" (рус тилида)
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал
8.00 "Доброое утро" Нового года
10.00 Мультипликация "Серебряные колпачки"
10.10 Юририческая программа
10.40 Комедия "Вечера на хуторе близ Диканьки"
12.20 "Кто хочет стать миллионером?"
13.15 Смак с Андреем Макаревичем
13.45 Михаил Задорнов, Клара Новикова, Максим Галкин и Лион Измайлов в юмористической программе. В передаче (13.00) - Новости
15.50 Новогодний "Ералаш"
16.15 Большая премьераси. "Приключения Флика"
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.15 Песня-2002.
21.00 Фильм "Утренник для взрослых"
22.15 Новогодний каток "Большой стирки"
24.45 Триллер "Адреналин. Страх погони"

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

15.30 "Новый год ПО-ФРАНЦУЗСКИ".
17.30 "Хайрли йил РОБОК, НО Я ЛЕЧУСЬ".
19.30 Телесериал "МЭДИСОН".
20.00 Телесериал "НА КРАЮ ЗЕМЛИ".
21.00 Премьера: "Хайрли йил"
23.00 "Хайрли йил" "ЗА ШКУРУ ПОЛИЦЕЙСКОГО".
1.30 "Хайрли йил" "ОСНОВНОЙ ПОДОЗРЕВАЕМЫЙ".

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

13.20 «ЧАРДЕИ». Художественный фильм. 1-я и 2-я серии.
16.00 События. Время московское.
16.15 «Алфавит». Телеигра.
16.50 Мультипарад. «Шайбу! Шайбу!». «Ну, погоди!».
17.25 «КОРОЛИ ШУТОК». Комедия (Франция). 1-я серия.
18.15 «ДЕСЯТОЕ КОРОЛЕВСТВО». Телесериал (США). 1-я серия.
20.35 «Большой канкан». Праздничное шоу.
22.00 Вайнона Райдер и Ричард Гир в фильме «ОСЕНЬ В НЬЮ-ЙОРКЕ» (США).
24.00 События. Время московское.
24.20 Кабаре Патрисии Каас.
1.20 «ГВЕНДОЛИНА». Художественный фильм (Франция).
3.05 Клип года.

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

7.45 «МАЛЕНЬКИЕ ЗЙНШТЕЙНЫ». Хайрли йил.
9.00 «ТРЕТИЙ ПРИНЦ». Фильм-сказка для детей.
10.30 «Миллион в мешке». Мультифильм.
11.00 «Снеговик-почтовик». Мультифильм.
11.25 «В некоем царстве». Мультифильм.
12.00 Кино «ВЛАСТЕЛИН ВСЕЛЕННОЙ».
«Зачарованный день» на СТС.
14.00 «ВОЗВРАЩЕНИЕ ВЕДЬМЫ».
14.50 «ОТ СТРАХА К БЕССМЕРТИЮ».
15.40 «НРАВСТВЕННОСТЬ КУСАЕТСЯ».
16.30 «ГОРОД РАЗБИТЫХ СЕРДЕЦ».
17.20 «ЧАС МАГИИ».
18.10 «ТРОПИКА СРЕДИ ЦВЕТОВ».
19.00 Филипп Киркоров. Лучшие клипы.
19.30 «НЕТ ЯРОСТИ В АДУ».
20.25 «РАЗМЕР НЕМЕНЯЕТ ЗНАЧЕНИЕ».
21.20 «ВСЕЛИТЬСЯ В ДЕМОНА».
22.10 «НЕЗАБЫВАЕМЫЙ РЫЦАРЬ».
23.00 Кино на СТС. «СЕМЕЙКА АДДАМС».
1.00 КВН-2002. Украинская лига.
2.45 «Медовый месяц». Шоу.
3.30 Кино «МИР УЯИНА-2»

ПАЙШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газетлар шарҳи.
Кичи таътил кунларида "Болалар сайраси".
9.00 "Олтин тоғ" да Янги йил".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Алифбо сабоқлари.
10.25 Мусликий танлафуус.
10.40 "Шукре ва Байта". Мультипликация премьераси.
4-қисм.
11.00 "Сарҳисоб".
11.40 "Нафосат гулшани".
12.05 ТВ анонс.
12.10 "Ўзбекистон" каналда илк маротаба: "Уйда ёлғиз - 3".
Бадий фильм.
13.50, 16.25 ТВ клип.
14.10 "Портретга чиғиллар".
14.30 "Муборак йил". Бадий мусликий томоша.
15.20 Кундузги сеанс: "Махбубам, азизим, суюклигим, ёлғизим". Бадий фильм.
"Болалар сайраси".
16.35 1. "Мақтулар - кабутарлар". 2. "Ака-ука Гримм эртақлари". Мультипликация.
17.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглар.
19.50 "Давр" интервью.
20.05 Ракурс.
20.25, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.30 "Жех ва ловия полаяси". Кўп қисмли бадий фильм. 1-қисм.
21.25 Жараён.
21.50 Оптин мерос.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.30 "Янги авлод" студияси: "Катта танлафуус".
10.25 Мусликий танлафуус.
11.10 Киногадлик.
11.30 Давр.
12.05 Мусликий танлафуус.
12.15 Саломатлик сирлари.
12.35 Спорт-кўриқ (рус тилида)
13.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
13.20 "Жюли Леско". Сериал. 11-қисм.
14.10 Ёшлар овози.
14.30 "Қусто командасининг сув ости саргузашлари". Телесериал.
15.20 Кўна оҳанглар.
15.30 "Қорда адашганлар". Бадий фильм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
17.25 Болалар.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Мезон.
18.20 Табобат омида.
18.40 Қон оловлари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглар.
19.50 "Давр" интервью.
20.05 Ракурс.
20.25, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.30 "Жех ва ловия полаяси". Кўп қисмли бадий фильм. 1-қисм.
21.25 Жараён.
21.50 Оптин мерос.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал "23,5 дарражи бурчак осиди". 49-қисм.
17.45, 19.05, 22.05 "Экспресс" телегазети.
17.55 Болажонлар экранни.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навнихол".
19.15 Мусликий танлафуус.
19.30 "Қамолот фасли".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Ҳамшаҳарлар".
22.40 Кинонигоҳ. "Ғаройиб ферма".
00.10-00.15 "Хайрли тун, шаҳрим!".

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал
16.00 "Аралаш". Ҳажвий кўрсатув.
16.25 "Салом Қорбобо". Комедия.
18.00 Янгиликлар.
18.15 "Йил қўшиқлари". 2-қисм.
21.00 "Время".
21.25 "Бизнес-ревю".
21.30 "Ишбилармон кишилар".
21.50 "Кун мавзуси".
21.25 "Мультипликация: «Каникулы в Простоквашино»
9.10 Здоровье
10.10 Комедия «Кто подставил кролика Роджера?»
12.05 Мультипликация: «Каникулы в Простоквашино»
12.25 Спектакль «Семейные радости». В передаче (13.00) - Новости
16.00 Премьера. «Ералаш»
16.25 Комедия «Здравствуй, дедушка Мороз!»

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.15 Песня-2002. Часть 2-я
21.00 Время
21.25 Супербоевик «Скорость»
23.30 Николай Басков, Валерий Леонтьев, Лариса Долина, Валерий Меладзе, Андрей Данилко, Лолита Милявская в новогоднем мюзикле «Золушка»
1.45 Триллер «Череп»

«ХАЛҚАР» ТЕЛЕКАНАЛ

15.30 "Новый год ПО-ФРАНЦУЗСКИ".
Садоқат опа, сиз ҳам сабр қилиб, бахтли кунларни кутинг. Зеро, сабрнинг тағи - сариқ олтиндир. Ахир кўз очиб кўрган эрингиз-ку. Эҳтимол эрингиз 20 ёшида эшикни тепиб кириб, тепиб чиқар, 30 ёшида ёмон йўлга юрар, лекин 40 ёшдан кейин манаман деган ҳарқандок аёлнинг ҳам уйига сиғмай қолади ва пойингизга бош эгиб келади. Мен бунга ишонман!

Садоқат опа, агар сиз меҳрибон бўлсангиз, эрингизни ҳалиям севиб, унга хиёнат қилмаган бўлсангиз, эрингиз албатта ёнингизга қайтиб келади ва аксинча айб сизда бўлса, унда эрингизни кутманг. Баъзи эркаклар ҳам ўз аёлдан кўрмаган садоқатни, меҳрни ўзга аёлдан кўради. Эрингизни сабр-қаноат ила кутинг. Узингиз учун бўлмасам фарзандларингиз учун кутинг. Мен сизга Оллоҳдан фақат сабр-тоқат сўрайман. Лекин эрингизни

**САБР ҚИЛИНГ ҲАЗРАТИ ИНСОН**

«Қандай йўл тутсам тўғри бўларкин» — 2-сон

**ЭСЛАТМА: Оилалиман, уч фарзандим бор. Ота-онамни маслаҳати билан оиланинг борча қийинчиликларида чидадим. Аммо, эрим хиёнат йўлига кирди.**

**САДОҚАТ**

асло қараманг, уни фақат Худого солиңг. Худо уни жазосини беради. Зеро:

**Кимки вафо қилса, вафо топқусидир. Кимки жафо қилса, жафо топқусидир. Яхши киши ёмонлик кўрмағай ҳаргиз, Кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.**

«Кўрмаганинг кўргани курсин», деганларидек эрингиз ҳам қўлига пул тушгандан сўнг ёмон йўлга юриб кетибди. Биз ношукр, хом сут эмган бандамиз. Қорнимиз тўйса ҳам кўзимиз тўймайди. Бер, бер ва яна бер деймиз. Сизга Оллоҳдан сабр-қаноат ва тоғдек бардош тилаб қоламан.

**Манзура АШАНБЕКОВА, Тошкент вилоятидаги 2-ўрта мактабнинг 8-«Б» синф ўқувчиси**

**ЯХШИ НИЯТ БЎЛСИН ЙЎЛДОШИНГ**

«Сеvgи тузоғи ёхуд муҳаббат Эвазига ўлим» — 45-сон

**ЭСЛАТМА: Кунларнинг бирида Ойбек исмли йигит Нигоранинг изига тушди. Холи жойга ўтгач ишқ изохор қилди... Ҳа, сохта ошиқ Ойбек Акбаров Нигоранинг ўзига эмас, олтин тақинчоқларига шайдо бўлган эди. У бу қимматбаҳо тақинчоқларни қўлга киритиш ниятидагина Нигорани сеvgи изохор қилди... Ваҳший унга бир неча бор пичок санчди! У ҳушидан кетиб йиқилди.**

**М. МУСАЕВ, Мурод КАЛОНҲОН**

Ота-она учун фарзанд доғини қўришдек оғир дард йўқ. Нигора фожиага учрамастми мумкин

эдим, деган ҳақли савол тугиллади? Мумкин эди. Аввало Нигоранинг ўзидан ўтди. Бу дунёдан эрта кўз юмиб кетишига ўзи айбдор. Қандайдир бетайин йигит телефон қилса учиб борса. Сени оламан деган хомаёнг гапира чиппа-чин ишонса. Бу лақмалик эмасми? Энг даҳшатлиси уйлашмасдан қийинишда. Бу қийиниш, юриш-туриши ўзига бало бўлди. Ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада қийиниб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб, ўзига зеб бериб кўчага чиқмаганида бундай кўргилик йўқ эди. Қадамни ўйлаб босиш керак. Қийинишда ҳам гап кўп. Оддийроқ қийиниш керак. Текин бойликни ўйлаган бевафо «сеvgи шайдоси»нинг кўзини уйнатмаслиги керак эди.

Нигоранинг ота-онасидан ҳам қатта хатолик ўтди. Қизи қимматбаҳо тақинчоқларни тақиб кўчага чиқса ҳам онаси ўз вақтида «бундай зеб-зийнати тақиб чиқмагин, дунёда яхши бор, ёмон бор», деб

йўлдан қайтарганида, оддийроқ қийин деганида қизидан бевақт жудо бўлиб қолмаган бўлар эди. Ота-она қўзим ўзининг сеvgан йигитининг олдига кетаёпти деб бепарво бўлишган. Мана, бепарволик оқибати. Оғир қисмат билан тугади. Қадрили ота-оналар, фарзандларингизга ҳеч бепарво бўлмаңг.

Энди йўлдан адашган қотил Ойбек Акбаров ҳақида икки оғиз сўз. У қўнғир йўлга кадам қўйди. Нигорага сохта сеvgи изохор этиб, қийини пуч ёноққа тўлдирди. Текин бойликка ўчлик ўз бошига етди. Ёш умрини хазон қилди.

Баъзи нияти бузуқ шахслар шунинг унутмасликлари керакки, жиноят жазосиз қолмайди.

Пешона тери билан тоғилмаган бойлик ҳеч қимга буюрмайдиган ва ҳеч қачон буюрмаган. Усиб келаятган хозирги ёшлар бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб, ўзларига тўғри хулоса чиқариб олсалар, ҳаёт йўллари чарогон бўлгай.

Сеvgилим газетамиз «Оила ва жамият» «Бир жиноят тақдироти» рунки остида вафти-вакти билан мақолалар бериб борса, босар-тусарини билмай қолган баъзи қимсаларга туртки бўлиб, қадамини ўйлаб босади, деб ўйлайман.

**Жиноятнинг кўчаси тордир, Унда макру қабоҳат бодир. Бу кўчага сукмагин бошинг, Яхши ният бўлсин йўлдошинг.**

**Юнус ТОЛПОВ, меҳнат фахрийси**

**ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ, ҚУЙИБ ҚОЛАСИЗ**

Тошкентлик, Гулназа қизим, 18 баҳорингизда аммавачангизни севиб қолганингизни «Дил изохори» нгиздан ўқиб, чўғни босиб олгандек ҳаяжонландим. «Мен Д.ни йўқотиб қўйишдан кўрқаман, уни ҳатто бир кун кўрмасам тура олмайман. Д.га тегмасам, жинни бўлиб қоламан. Усиз менга бу дунё қоронғу», - дея зорланибсиз-а? Бу қуйиб ёнишларингизнинг

**ЭСЛАТМА: Д. исмли йигит билан бир-биримизни севадим. Бирок онам бизнинг муҳаббатимизга қаршиллар. Сабаби, Д. амманнинг ўғли. «Қариндошга қиз бериб бўлмайди», дейдилар онам. Лекин усиз менга бу дунё қоронғу...**

**ГУЛНОЗА**

**«Қариндош бўлсак ҳам» — 38-сон**

ҳаммаси фойдасиз, сизга бахтсизлик келтирадиган фикрлар. Наҳотки, қариндош билан турмуш қуриш ўт билан уйнаши билан баробар лигули, ҳаётий мушкуллар ўтида қоврилишининг ўчоғи эканлигини бонг ураётган матбуотларимиздан ўқиган бўлсангиз? Сеvgилим газетамиз «Оила ва жамият» бу ҳақда тез-тез мақолалар бериб бораёпти.

**Афифа ҲАСАН қизи**

Ўтган йилги соғларининг бирида қариндошлар жуфтлигидан дунёга келган фарзандининг ҳам ўғиллик, ҳам қизлик белгисига эга бўлиб туғилгани-ю, шу оиланинг бахтсизликка юз тутиб, пароканда бўлиб кетганлигини дируттар ҳолда баён қилинганди. Онажонингиз ҳам: «Д.ни севиб қолганман. Мен фақат унга турмушга чиқаман», - деганингизда, «Қизим Д. яхши йигит, лекин қариндошимиз-ку», - дейиши сиз учун етарли бўлмаган-да, уларнинг гапини писанд қилмай, яна ўз билганингиздан қолмай, газетага ёзиб, мухлислардан маслаҳат сўрабсиз. Бу орзуингиз рўё, бахтли бўла десаңгиз сизга аталган бошқа бир йигитни кутинг, бахтли бўлишингизда биз мухлислар тилақдошимиз.



**Азиз дадажонимов**  
**Инатилло ОЛИМОВЧИ!**

Сизни таваллуд кунингиз ва Янги йил байрамингиз билан табриклаб, узоқ умр ва ишингизда ривож тилаймиз. Ойижоним билан кўша қариб бахтимиздан қувониб юринг.

**Оила аъзоларингиз номидан кизингиз Лола**



**Хурматли бувжонимиз Нуринисо ТУРСУНОВА!**

Сизни Янги йил ва 70 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз! Сизга узоқ умр, бардамлик тилаймиз. Доимо биз фарзандларингизнинг ардоғида бўлинг.

Бувжон, сизга дунёдаги барча эзгуликлар ҳамроҳ бўлсин!

**Невараларингиз номидан Асадбек, Саидбек, Бўстонбек, Достонбек ва кизингиз Мукаддасхон. Бешарик тумани, Ўзбекистон ш. \x.**

**Синглим ФЕРУЗАХОН!**  
40 ёшга тўлишингиз кутлуг бўлсин. Сени чин дилдан табриклаб, туганмас оилавий бахт тилаймиз. Илоҳ, сени отажонимизнинг пок рухлари қўллаб юрсин! Умринг шодликларга бой бўлсин!  
**Сени севувчи оила аъзоларинг**

**Асал қизгинам МОҲИГУЛ!**  
Сени тугилган кунингиз ва кириб келаётган Янги йилнинг билан оиламиз номидан кутлаيمиз! Сенга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Оиламиз бахтига доимо омон бўлинг.  
**Даданг Муҳаммаджон, оинг Ибодат, акаларинг Лочинбек, Хайрулло Муҳаммадохуновлар оиласи. Олимкент кўрғони**

**Олмалик шаҳар 80-автокорхона раҳбари ИСЛОМЖОН Қаршибоев!**

Сизни 1-январ — таваллуд кунингиз билан биз дўстларингиз чин дилдан табриклаймиз. Ишларингизга ривож, ўзингиз ва оила аъзоларингизга Янги йилда тинчлик бахту саодат тилаб қоламиз.

**Эҳтиром-ила дўстларингиз номидан Абдурашид, Фозилжон, Хусанбой Тошкент шаҳри**

**Севимли ва азиз дадажонимиз Абдуғани АХМАДЖОНОВ!**

Сизни Янги йил билан оиламиз номидан чин кўнгилдан кутлаймиз. Сизга соғлиқ, ишларингизга омад тилаймиз. Фарзандларингиз ва ака-укаларингиз бахтига соғ-омон бўлинг. Худодан сизга узоқ умр ва бахт тилаймиз.

**Рафиқангиз Мехрихон Окқўрғон тумани**

**ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН!!!**  
**Жажки болажонлари Янги йил совғаси билан хушнуд қилишни истасангиз.**

**ҚОРБОБО ВА ҚОРКИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛИНИНГ!!!**  
Болаларингиз ҚОРБОБО совғасини соғинганини унутманг!!! Пулли буюртмалар ҳар куни соат 14-00 дан 96-44-00 телефон рақамлари орқали қабул қилинади. Тўлов ҳақи 7000 сўм.

**"Madina Begim"** **ЎҚУВ МАРКАЗИ**  
Куйидаги курсларга ўқишга ТАКЛИФ ЭТАДИ:  
3 ОЙЛИК: Сартарошлик (3-ой амалиёт); Уй ҳамшираси (3-ой амалиёт); Массаж, умумий (3-ой амалиёт); Инглиз тили. Бошловчи ва давом эштирувчилар учун. 2 ОЙЛИК: Косметология; Компьютер (индивидуал); Тасвирий мааникор; Эркалар сартароши (2-ой амалиёт); Парда ва покрывал тикиши (Элита усулда); Тикувчилик - 5 ой. Қўлда тўқиш; Пальто ва плащ тикиши. 1 ОЙЛИК: Маникор; тасвирий; Қандалатчилик, (торт безаги) олий курс сирасорлари билан ўргатилади; Сартарошлик, тўй-оқшом гуллари.

1-Манзил: "Хадра" меҳмонхонаси ичида, 5-кават, 510-хона. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 қаватли бино, 144-93-75. 2-Манзил: Алгоритм маззеси, 126-мактаб ичида. Мўлжал: 13, 69-автобусларнинг охири бекати. Тел.: 144-28-11, 45-95-48, 170-58-00, 144-94-96

**"КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР" ўқув маркази таклиф қилади.**  
3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси  
2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини сошлаш. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик. - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.  
Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзиллери: Тошкент, Навоий кўчаси-9, "Пищепром" лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»**  
Куйидаги пуллик курсларга қабул қўлдан қилади:  
— Моделинг-технолог (бичиш-тикиш курслари) — 2; 4 ойлик; — Эркалар кийими — 2 ойлик; — Аёллар костими, пальтоси, плащчи — 3 ойлик; — Дарғарда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойлик.  
Битирганларга диплом берилади.  
Қабул ҳар куни (акшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.  
Манзиллери: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ**  
**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҢРИГАН ҚОВУГИ БЎШ 10 Ёшдан ошган УҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОН ДАВОЛАЙДИ!**  
Бўйрак, қовуқ, простата беги касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, ақшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.  
Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатидан 464, 469, 522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатига чад борилади. Телефон: 8 296 56023.  
Лицензия рақами 3271

**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**  
1. Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яқна тартибда, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пишириқлар - 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулда замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркалар учун) - 2 ой. Қаштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Зардўзлик (Бухоро) - 3 ой.  
Ўқини тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.  
Манзиллери: Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод базори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. «Ўктамхон» ўқув маркази филиали Қийрай тумани, Ўнкўрғон маҳалласидан 30-ўрта мактаб биноси ичида.

Абдулхай Абдураҳмоновнинг "Саодатга элтувчи билим" китоби нашрдан чиқди. Унда азиз авлиёлар, дин, пайгамбарлар тарихи, Исромада сўйиш, тасавуф, фалсафа, файласуф даҳолар, "Авесто" китоби, "Зардуштийлик дини ҳақидаги маълумотлар ўрни олган.  
Китоб Тошкентдаги «Матбуот тарқатиш» шахобчаларида, Чорсу "Китоб пасажини", Маданият вазирлиги олдидаги китоб расталарида, Навоий театри рўпарасидаги ва "Демир" супермаркети ёнидаги "Шарқ энекори" китоб дўконларида, «Беруний метроси» ва "Эски жўва" базори китоб дўконларида, ТуркВО штабнинг рўпарасидаги китоб дўконларида, "Кўча", "Бодомзор", "Камолот" дарвоза масжидларида сотилмоқда. Нақд пулга ва пул ўтказиш йули билан харид қилмоқчи бўлганлар учун манзил: 700042, Тошкент ш, Шайхонтоҳур тумани, "Кўчилик" кўчаси. Тел: 42-43-96

**ЭЪТИБОР БЕРМАГАНДИМ**  
Бу тушни куни-кеча кўрган хиянчам менга айтиб берганда унча эътибор бермагандим. Лекин сўнгги кунларда: "Нега ўшанда унга диққат билан қарамадик", дея ўзимиздан хафа бўлдик.  
Ўшанда иккинчи синф ўқувчисининг тушига ишонмаган эдик. Хуллас, хиямин сариқ бўлиб касалхонада ётар эди. Ўзининг ҳолати безовта, осма уқоллар остида алланималар деди.  
Тонгда эса: "Аягон, тушимда қўлимдан бир қўшга ўхшаш нарса келиб чўкиб кетди, бармоқчам деб йилга қолдим", - деди.  
Синглим бу тушни онамга айтганида, онам: "Э, болам, ўғлинг яхши бўлиб кетади. Мехнатини олиб кетибди, тезда тузалиб кетади", - деб далда бўлдилар. Аммо 3 кундан сўнг худди ўша бармоқча, катта ари чакан олганидан чинқириб юборди. Бирдан иситмаси кўтарилиб, бизни қўрқитиб юборган хиянчамни туши таъбири биз ўйлаганчалик эмас, аксинча бўлиб чиқиши ёшмакаттаи барибир яхшими-ёмонми тушига садақ бериши кераклигини тушундик.  
"Садақа балонинг олдини олади", дейишгани рост бўлса керак. Чунки халқ албатта тўғри нарсани гапирди.  
**Д. Нормуродова Ш. Бегалиева Термиз шаҳри**

**ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**  
Сиз севган "Оила ва жамият" газетаси 2003 йилдан бошлаб сиздан келган мактубларга асосан 16 саҳифада чоп этилади.  
Янги саҳифаларимизни «Қилмишқидирмиш», «Савоб ишни ҳар кун қилайлик», «Сизга бир сўзимни айтсам...» рўкнлари билан бойитдик. Эҳтимол, сиз рўзгорингиздаги ортиқча кийимларни муҳтожларга эҳсон қилмоқчидирсиз? Ёки анчадан буюён йўлнинг олислиги сабабли бориб қўришга фурсат топмаётган азизларингизни тугилган кунлари ёки байрамлар билан кутламоқчидирсиз? Марҳамат! Биз келгуси йилда ҳам сизнинг хизматингиздаммиз.  
Яна бир қулайлик томони шундаки, биз кутловлар, маиший ва танишув эълонларини келгуси йилдан бошлаб бепул чоп этишга аҳд қилдик.  
Оламан, сотаман, машина тузата-

ман, ўргатаман, даволайман, пардоз-андоз қиламан, соч турмақлайман, ижарага уй бераман, туй ва юби-санъа тим билан хизмат қиламан, энағалик, ижарага тўй либосларини бераман, тиббий хизмат кўрсатаман, уй-рўзгор ишларини бажараман, тикишга буюртма оламан, пишириқлар пишираман қабилидаги турли эълонларингизни бепул чоп этадиган бўлдик. (Хусусий тижорат фирмалари ва ўқув марказлари бундан мустасно).  
Шунингдек, "Қайда ўзи ўша бахт?" рўкни учун эълон бермоқчи бўлсангиз, ўзаро танишув ва қовшувда бутун масъулиятни ўз бўйингизга олиб, паспорт асосидаги исм-фамилиянгиз, манзилингиз, почта алоқа бўлими манзили бўлиши талаб этилади, холос. Шошилинг! Сизга берилган ажойиб имкониятдан фойдаланинг!

**"Санам Сервис"** ўқув маркази билан Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги SIMUZ техника маркази ҳамкорликда замонавий касб-хўнар курсларга таклиф этади.  
4 ойлик: 1. Бичиб-тикиш (чоқдан бошлаб). 2. Ганкорлик (гипс билан ишлаш).  
3 ойлик: 3. Торт (келин-куёв шаклида) пишириш, салатлар (олий даражадаги кулинария, 30-хун). 4. "Элита" парда, чойшаб ва ёстиқлар тикиш, уй безаш. 5. Ҳамширалик (амалиёти билан). 6. Укашаш (амалиёт билан). 7. Радио-техника таъмирлаш. 8. Инглиз тили (бошланғич ва давом эштирувчилар учун). 9. Бухгалтерия. 10. Компьютер MS-DOS, MS-EXCEL, WINDOWS-2000, COREL DRAW, Oplacit, Novell, Base, Fox Pro, Silrper, PCAD, ORCAD, AVTOSCAD. Компьютер тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш.  
2 ойлик: 11. Косметология. 12. Сартарошлик. 13. Фантазия гул безак ясаш.  
1 ойлик: 14. Бадний мааникор ва педикюр.  
Ўқини битирганларга ТошТДУ томонидан сертификат ва ўқув марказининг дипломи берилади. Битирган соҳалар бўйича иш билан таъминланади.  
1-Манзил: Миробод тумани «Марказий Темир йўллар маданият саройи. Моворунаҳ кўчаси, 30-уй. Мўлжал — метронинг "Тошкент" бекати. Темир йўл кассасининг қаршисида.  
2-Манзил: Миробод тумани Афросиёб кўчаси, 5-уй. Мўлжал — метронинг «Обёк» бекати ёнида жойлашган 16-қаватли биносининг 1-қавати. 57, 67, 58 автобуслар.  
3-Манзил: Сабзор даҳаси, 310-лицей-мактабининг 1-қавати.  
4-Манзил: Собир Раҳимов тумани, Нисозова кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчасидаги 80' ётоқхонанин 9-қават, 13-хонаси. Мўлжал — Нукус кинотеатри ёнида. Ал-Наҳот клиникаси орқали қирлади.  
Тел.: Соат 8 \*дан 22\*гача 49-18-71; соат 10 \*дан 17\*гача 56-34-10, 46-58-11, 46-49-16; соат 17 \*дан 22\*гача 40-20-59

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, ниҳон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйибгина қилади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.  
**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

**"Арслон -хон"** хусусий фирмаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йил 21 майдаги 10-0204/1163-сонли қарорига асосан банкорт деб эълон қилинганлиги, Юнусобод тумани ҳокимининг 2002 йил 6 ноябрдаги 1863-сонли қарори билан давлат реестридан чиқарилганлиги муносабати билан "Арслон-хон" хусусий фирмасини "БУРЧАК ТАМФА-СИ" ҳамда "ДУМАЛОҚ МУҲРИ" бекор қилинганлигини маълум қилади.

Хаммаси мактабда ўқиб юрган кезларимдан бошланди. У вақтда мен 15 ёшда эдим. Мактабимизга янги ўқувчилар қабул қилинди. Уларнинг орасида эса бир боланинг қарашлари бошқачалигини сезиб қолдим. У мени зимдан кузатиб юрар, худди нимадир демоқчию, лекин ботинолмаётгандек эди, назаримда. Шу зайлда орадан бир-икки ой вақт ўтди, тақдирни қаранки, дарсларимиз қўшилиб бир хонада ўтириб қолдик. Дарс ба-

маси ўтиб кетишига уни ишонтиришга ҳаракат қилдим. Лекин мени ким овутадим, ким ўтиб кетади деб ишонтиради - ҳеч ким. Фақат ўзимни ўзим: "Хали ҳаммаси яхши бўлади, ҳаётда сен шундай инсонни учрата-санки, у сен учун жонини бердишга ҳам тайёр бўлади. Сени ҳеч кимга ишонмай қафтида кўтариб юради", - деб овутардим.

Олийгоҳга кирганим мени анча ўнгланиб олишимга ёрдам берди. Янги дўстлар орттирдим. Орадан бир келар эдим. Бу нарсга ҳатто ажрашишга етиб борди, яна мен ўзимни кўлга олдим ва хаммаси изига тўшиб кетди. Ҳозир яхши яшайпмиз. Лекин кўнглимда бир гашлик бор. Ҳўжайиним гоҳида жуда самимий, очиккўнгил бўлиб қоладилар. Гоҳида эса худди бепарводек юрадилар. Шу юришларига ҳам чидаар эдим, лекин улар менга бир куни: "Мен фарзандим борлиги учун сен билан яшайман, агар жаҳлимни чиқаравсанг кетаман. Мени бошқа кўрмайсан", - дедилар. Мен уларга боғланиб қолган-

Фарзандим, кўзимнинг оқу қораси. Мен сени дунёга келишингни ўн йил қанчалар орзиқиб-орзиқиб, энтикиб, соғиниб, сарғайиб, мунгайиб кутдим.

бўлиб кутганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз... Ишонгим келмаяпти.

Кувончдан дунёларга сигмасдим. Юриб эмас, учиб, кўнардим. Мен кутган, орзу қилган дақиқалар яқинлашган сайин ҳаяжоним ортарди. Сен дунёга келдинг. Армонларим, барча гам-ташвишларим илтижолар қилдим.

## КЎЗЛАРИНГГА НУР БЎМАЙ БОЛАМ...

Аммо, барча орзуларим армонга, саробга айланди. Умримнинг энг ширин лаҳзалари ўтган хонадонни ташлаб ота-онам эшигига қайтиб келдим. Сени эркалатмоқчи, бешик кучмоқчи бўлган кўлларим ҳавода муаллақ қолди.

рим тўлғоқ азобила сен дунёга келишингла қалбимни тарк этди. Мен сени тезроқ кўришни интизорлик билан кутардим. Аммо, аммо докторлар мендаги ҳолатни кўра била туриб сени бағримга босиб, тўйиб-тўйиб юз-кўзларингга боқишдан маҳрум қилишиб, сени олиб келишга шошилмасди, факт мени саволга тутишарди.

Турмуш ўртоғимнинг фарзандли бўлганлигини эшитиб, севиндим, сўнг, сўнг ўксидим, тўйиб-тўйиб йиғладим. Одамлар менга ачиниб қараётгандек ўзимни улардан олиб қочдим, ҳаётда яшаш иштиёқим кундан-кунга сўниб бораётганини кўрган ота-онам кўярда-қўймай фабрикага ишга жойлаб қўйишди.

- Эрингиз билан яқин қариндошмисизлар?  
- Йўқ! Бутунлай бегонаамиз. Яна, яна шунга ўхшаш савол-жавоблар. Юрагим алланарсани сезгандек, ҳис этгандек безовта бўла бошлади. Хавотир тўла нигоҳларимни шифокорларга тикдим.

Бир куни автобус ҳайдовчисининг ўткир нигоҳлари мени таъқиб қилаётганини сезиб қолдим. Аваалига эътибор бермадим. У ҳаёт йўлимизни бирга боғлаш ҳақида ўтини сўради, мен рад жавобини қилдим. Хотини вафот этганлигини, иккита норасида гўдаги билан катта ҳовлида қолиб кетганлигини эшитганч, икки гўдак меҳри мени ўзимга тарта бошлади. Турмушга чиқишга розилик бердим.

- Хафа бўлманг синглим, фарзандингизни кўзлари, қорачиклари бутунлай йўқ... Ногирон.

Катта ҳовли. Ивирсираган идиш-товоклар. Икки норасида қалбнинг меҳрга ташна нигоҳларига дош беролмай, уларни бағримга босдим. Оҳ, дунёда гўдак ҳидидан ҳам улуг, мўтабар ҳид бормикин оламда. Уларни янада маҳкамроқ бағримга босиб, кирчир ёноқларидан ўпа бошладим. Сўнг бағримдан бўшатмай ўқиб-ўқиб йиғладим.

Оҳларим самони — бутун оламни тутди. Дарди, дунём зулмат кўнида. Сени нақадар интиқлик билан кутган эдим-а болажоним, кўзларинг ёниб, қақнаб туришини, қорачикларингга тўйиб-тўйиб боқишни орзу қилмаганимдир. Афсус, орзуларим саробга айланди. Шу пайтга-ча отангни Чернобль АЭСда хизмат сафарига бўлганлигини билмаган эканман, болажоним. Шифокорлар ана шу хизмат сафарининг маҳсули деб айтишди сени.

Кўнлар ўтди. Икки гўдак менинг кемтик қалбимни тўлдирди. Биринчи марта "Онажон" деганлариде қанчалар қувонганимни сўз билан ифодамай олмайман. Уч кемтик қалб бутун бўлди. Ана шу мурғак гўдакларнинг шодлиги, қувончи, уларнинг ўзгача олами билан яшай бошладим. Меҳр-мурувватимни, саволатимни асло дариг тутмадим.

Ногирон бўлсанг-да, сен турғилнинг орзум, умид юлдузим, болажоним, менинг жон-ў жаҳоним, юрагимнинг бир парчаси. Сени бағримга босар эканман, Аллоҳга шукрлар айтаман. Сени мўтабар деб атайман. Сен мен учун ҳаммаша азиз ва мўтабарсан болам.

Бир куни, ҳа ўша бир куни бел томонимда қаттиқ оғриқ турди. Ётиб қолдим. Гўдакларим бошимда парвона бўлди. Бунга кўриб кўзларимга ўз-ўзидан ёш келарди. Доктор чаркитиришди. Мени кўрган доктор: "Сиз яқинда она бўласиз", деганида электр токи ургандек ўрнимдан қандай сақраб туриб кетганлигини билмайман.

Мен сени оқ ювиб-оқ тарайман дилбандим. Азобу ташвишинг, дардларингга шерикан болажоним. Чунки, сен менинг ортимдан қолғувчи дилбандимсан. Қодир эгам балки кўзларингга нур берад, балки ўзим, ўзим кўзларингга нур бўларман болам.

- Ёлгон, ёлгон, ишонмайман.  
- Нима, сиз она бўлишни истамайсизми?  
- Нималар деяпсиз, дўхтир-жон, қанчалар бу кунчи интиқ

Майсара Эшқобилованинг дил дардларини оққа кўчирувчи  
**Маҳбуба ОДИЛОВА**

## ГЎЁКИ БОЛАЛАРНИ

хона танишиб олдик. Мен у билан шунчаки дарс юзасидан гаплашардим, холос. У менга ҳар куни кўнгирок қиладиган, дарслардан ўнг эса кутиб турадиган бўлди. Орадан бир йил ўтди. Биз бир-биримизга жуда боғланиб қолган эдик. У мени ёқтиришини, менсиз яшолмаслигини, менга уйланишни хоҳ-



## ДЕБ ЯШАЁТГАНДЕКМИЗ

лаётганини очикчасига айтмасам-да, буни гапларидан билиб олса бўларди: Аваалига мен у билан шунчаки дўстимиз деб ўйлар эдим. У эса кундан-кунга менга боғланиб қолаётганини ва мендек умр йўлдоши бўлишини охлоётганини айтди. Мен унга: "Бу нарсанинг иложи йўқ, биз ахир тенгдошимиз, бошқа ундай дема", - деб аразлаб кетиб қолдим. У эса барибир ўз сўзида туриб олиб: "Нима десанг ҳам айтганим бўлади", - дерди. Мактабни ҳам битириш кунларимиз яқинлашиб қолди. У: «Мабодо ҳарбий хизматга кетсам мени кут», деб илтимос қилар, мен эса бепарво эдим. Кўнлар ўтиб борарди. Нима учундир у мenden узоклашаётгандек туюлди. Кундан-кунга ўзгариб борар эди. Библишимча, у ҳарбий хизматга кетмасдан туриб онасига мен ҳақимда айтган экан, онаси эса ўз тенгингни ҳеч қачон олиб бермайман, - дебди. Ана шундан кейингина мен уни севишимни ҳис қилдим, унинг муҳаббатини бекорга мазах қилганимни англаб етим, лекин кеч бўлган эди. Энди мени аҳволимни бир кўрсангиз, яшайдан умид йўқ, озби-тўзи кетганман, телбалардек фақат хаёл сураман, холос. «Бунга кўника олмайман», деб ўйладим. У эса кўнғироқ қилишдан тўхтамасди. «Нима қилай ахир қийналиб кетаялман, эсимдан чиқара олармиканман. Яқинда армияга кетаман. Балки унутарман. Лекин сенчалик ҳаётда ҳеч кимни севмасам керак. Юрагим тубида сенинг исминг ўйиб ёзиб қўйилган», дея йиғлаб юборди. Шунда ҳам мен ўз севгимни билдирмадим. Уни тинчлантирдим ва ҳам-

йилча вақт ўтди. Шу вақт ичида дарз кетган кўнглимга қўл солиб кўрмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Мендан эса фақат рад жавобини олардилар. Нима бўлдию бир дугонанмикига бордик. У ерда мен дуч келган инсон мени ҳаётимни ўзгартириб юборди. Келишган ўрта бўйли бир йигит менга узоқ тикилиб қолди. Уни бунга баҳона қилиб уйга кетишим кераклигини айтиб кетиб қолдим. Кейин билсам у мени сўраб-суриштириб уйимни ҳам билиб олибди, 2-3 кун ўтар-ўтмас совчилари ҳам келишди. Ёз бўйи роса совчилар келишганда онам эса уларга «қизим ҳали ёш, энди 17га кирди», дея чекланардилар. Улар эса кунда келаверадиган бўлиб қолишди. Йигитнинг ўзи ўқиймига ҳар куни борар эди. Мени сўзлари билан эритдим ёки ҳаммаси жонимга текканиданми унга розилик бердим. Ўзимга ўзим тушунмай қолган эдим, унга нисбатан қандайдир ҳиссиёт уйғонган эди. Балки мен орзу қилган инсон шу бўлса керак деб ўйладим. Ота-онамни эса: «Уни анчадан бери танийман», деб алдадим. Бир ярим ойда тўй ҳам бўлиб ўтди. Унинг оиласи жуда ҳам яхши, ўқиймига, тушунган оила эди. Айниқса қайнонам жуда меҳрибон бўлиб чиқдилар. Тўйдан сўнг турмуш курганимдан ҳеч ҳам афсусланмадим. Турмуш ўртоғимни тобора қаттиқроқ севиб борардим. Аваалига жуда меҳрибон кўринган эримни йиллар ўтиб жиззалигини, жаҳлдорлигини, талабчанлигини ва шу ўринда жуда рашкчи эканини билиб олдим. Орада қанча оливайи келишмовчиликлар бўларди. У ҳар сафар айбони менга тўнкаб, мен билан гаплашмай юрарди. Ноилож ўзим кечирим сўраб, оғир

ман ва жуда қаттиқ севаман. Улардан айрилишдан ва ёмон йўлга кириб кетишларидан жуда-жуда кўрқаман. Нахотки ҳаёт менинг устимдан яна кулаётган бўлса. Тақдир ўз ҳукмини яна ўтказмоқчи бўляптими? Биринчи муҳаббатимни фақатгина хаёлимдагина тасаввур қиламан. Фақат хаёлангга унга интиламан. Бир куни баҳона қилиб учратиб қолдим, оёқ-қўлим ишламай қолганга ўхшарди, у мени кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. Мен эса ўзимни худди аввалгидай бепарволарча тутдим. Ичимда эса унинг кўксига бошимни қўйиб уввос солиб йиғлагим келди. Қандайдир гайритабиий куч мени мағрурона тутиб турар эди. У мenden иш жойимни, телефон рақамимни сўради. Мен эса телефоним йўқлигини айтдим. У менинг мақсадимни тушунди. Яқинда оиласи билан чет элга кетаётганини айтиб хайрлашди. Ичимда яна армон қолиб кетди, нахот уни бошқа кўрмасам. Нима бўлганда ҳам менинг бугунги куним бошқа инсон билан боғлиқ, уни мен ҳақиқий севгим деб ўйлайман. Фақат у менга садоқатли бўлса бўлган, лекин кўнглим бежавотир. Нахот у мени алдаса ёки хиёнат қилса. Шунда мен тақдирнинг бу сўхмоқларидан ўтаолармиканман. Эндигина 23 ёшдаман, юрагим эса қайғу-ғамларни кўтаравериб кескайиб кетган. Ҳаётда қайғу ғамсиз, сиқилишларсиз, ёмон хаёлларсиз тинч яшашни истайман. Шу кўнлар келармикан ёки фақат кўркиб, кўр-кўро-на яшашим керакким. Нахот ҳаётда ҳақиқий севги бўлмасача! Ёки шунчалик ҳавасми барчаси. Ҳаётда тўғри йўл тутяпманми? Шу саволлар доим мени қийнаб келади.

Тўйгепа

НАЗИРА



Ойимчхон БЕК-МИРЗАЕВА салкам чорак асрдирки, Наманган адабий муҳтида ўз овози, янграқ сўзига эга ижодкор сифатида ном қозониб келаётир. Шеър дардида доимо изланиш ширанинг қалб эҳтиёжига айланган.

“Дунё кезай бетишим”, “Қулфи дил”, “Хабардор бўл” сингари дилбар шеърлардан

**ҲАЁТИМ БУЛОҒИСАН**

иборат тўплам ҳамда “Хуснининг қурбони” номи ҳақоялар жамланмаси кўп сонли китоб муҳлислариға аталган ажойиб соғға бўлди. “Наманган наволари”, “Келилик оstonасида” аманакларида, республикамиздаги қатор матбуот нашрларида ёрилган ҳақо, интермедия, очерклар билан замондошларимизнинг қалбига йўл топа билди.

Таваллуд айёмига 60 йил тўлган лавҳамиз қаҳрамони бугун Рафиқ Мўмини номи маҳаллининг обрўдан, эътиборли айёлларидандир. Қатор фарзандлар, бир-биридан ширин набиралар, дўсту ёронлар даврасида мустақиллигимизга шукроналар ихроқ этиб ижод қилаётган Ойимчхон опаға келгусида ҳам ижодий баркамоллик тилаймиз.

**Т. РАХИМОВА,  
Б. ҚЎШИМОНОВ**

**ИККИСИГА ИНСОФ БЕРГИН ХУДОЙИМ  
(Қайнона-келин можаросидан безиган йигит тилаги)**

Бирингиз онамсиз, бирингиз ёрим. Бирингиз ҳавосиз, бирингиз сойим. Сизларсиз кунларим қиёмат қойим, Нега энг яқинларим рақибсиз дойим, Иккисига инсоф бергин Худойим! Йигитлик қувватим, тўлишган кучим, Пойингизга қурбон туғёнли қалбим. Қайнона-келинлар чигалли ечим, Бирингиз онамсиз, бирингиз ёрим, Иккисига инсоф бергин Худойим. Ахир у волида, сизсиз-ку буви, Фарзандларим гирён чиқмасин чуви. Қалбимни қамрайсиз қайғули туйғу, Бирингиз ҳавосиз, бирингиз сойим. Иккисига инсоф бергин Худойим. Шодлигим тўлдирар иккалангизни, Касалим сўлдирар иккалангизни. Қазойим ўлдирар иккалангизни. Нега эй яқинларим рақибсиз дойим, Иккисига инсоф бергин Худойим. Яратгандан йиглаб тинчликлар тиланг, Бир-бирингиз аянг, авайланг, сизланг. Келишиб қалб уйим шодлик-ла сийланг, Келинг, яқинларим дўстлашинг дойим, Ҳаммамизни иноқ қилгин Худойим.

**ГАЗЕТАНИ ОРЗИҚИБ КУТАМАН**

Авалло, барча юртдошларимизни кириб келатган саховатли ва баракали ишлар дарак бераётган Янги йил билан чин дилдан самимий кутлайман! Сизларга ҳаммиса соғлик ва узоқ умр, саодатли ишларингизда, ижодларингизда улкан ютуқлар тилайман. Газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман ва гуё дур топгандек маънавий, ахлоқий ва оилавий мазмунга эга бўлган **Кутлов** сонма-сон ўқиб, қий ва оилавий мазмуни озуқа оламан. Бу газетанида ёрилган руҳлар ҳар бир ёшу-қарини баҳса, мулоҳазага чорлайди. Айниқса, Турсуной Содиқова, Басира Сайдалиева, Афиға опанинг, Ҳамдам Тўйчиевнинг мақолалари кишини лол қолдиради. Янги йилда Дилбар опадан илтмос қилар эдик, газетанида ҳаётини воқеалар, далиллар билан кўпроқ ёшлар тарбиясига, ўзбек урф-одатлари тўғрисида, илм-излаш, китоб ўқиш, ота-она хурматини жойига қўйиш кабилар ҳақида материаллар ёришса... Газета доим мазмуни ва широйли чиқарсин!

**Хадичахон МҶМИНОВА,  
Қарши университети кутубхоначиси**

Оқ гул эдим, оппоқ гул эдим. Ҳимга гард юқтирмай, қачонлардир мени келиб авайлаб қўлга олишингни кутар эдим. Афсус... Тақдирнинг беаёв тўфонига учрадим-у, нелар бўлганини, қандай темир панжалар мени юлиб олиб кетганини ўзим ҳам англамай қолдим.

Кутмадинг деб айблама азизим. Қора тунлар кўзимга уйку келмай ўйлайвераман, ўйлайвераман, кундузлар тумонат одамлар ичидан сени бир бора кўраманми деб излайвераман, кимларнидир сенга ўхшатиб қуйган бағримни яна куйдираман. Қўшиқда қуйлангани дилимда айланади:

**На қуясан, на йиғлайсан  
сен чин юракдан,  
Муҳаббатнинг қасосидир,  
қасосидир ул.**

- Мендан хафа эмасми? - сўрайсан меҳр билан тикилиб. Кошки сендан хафа бўлсам, хафа бўлсам-у кўнглим қолса, кўнглим қолса-ю, ҳар кун эсимга тўшиб мени азобламасанг. Дунёга бир марта келсам-у, бу оташда умрбод куйиб ўтсам. Тақдирини азал бизни нега учраштирди-ю, нега ажратди? Ҳаммаси менинг гафгинг кўзларимни янада гафгинг қилиш учунми?..

Ўша тўққизинчи синфда ўз мактабинг қолдиб нега ҳам бизнинг мактабга келиб. Келмаганинда менга шунча азоб бўлмасди, балки. Сен билан бир синфда ўқийдиган дугонам сени мактаб адо қилолмасди. Сен билан қизиқиб, юриш-туришингни кузатиб юрган кунларимнинг бирида икковимиз мактаб фоесиди дуч келиб қолдик. Менга қараб шундай жилмайдингки, юрагим “жиг” этиб кетди. Шундан кейин ҳаётим мазмуни узокдан бўлса ҳам сени бир бора кўриш бўлиб қолди.

Эрталаб мактаб остонасида қачон келишингни кутардим. Келишингни кўрганымдан кейингидан кўнглим тинчиб ўз синфига кириб ўтирдим. Сенга ўхшаб ўта оғир табиатли ва камгапчилигим учун муомала қилишга баҳона топиш жуда қийин эди. Шундай кунларнинг бирида шаҳарга шахмат мусобақасига бирга бордик... Шу кундан бошлаб сен билан салом-алиқ қила бошладим. Кундалик дафтаримга: “Бир ния-

тимга эришдим!”, дея ёзиб қўйдим.

Наврўз куни мушоира бўлди, ёш шоирлар конкурсида мен биринчи ўринни олдим. “Б” синфдан Кабир ёнимга ўтириб гап ташлай бошладим. У уч йилдан буён орқамдан юрарди... Кундалик дафтаримга ёзиб қўйдим: “Нега бунинг жойида у эмас?”.

Кунлар қулашиб ўтар, мактаб кучоғидан учирма бўлади.

ган кунимиз тобора яқинлашарди. Сўнги кўнгирак куни мен ўз шеърларим билан чиқиб ҳаммани лол қолдириб қўйдим, мен шеър ўқий бошлаган пайтда сенинг қаёққадир шошиб кетатганингни бексаранжомландим. Ҳамма олқишлади. Фақат сен эшитмадинг... Сенга севиб қолганимни айтишга қарор қилдим. Сенга гапирарман, юзим ловуллаб нималардир деб гулдирдим, билмайман. Сен ажабланиб қараб қолдинг. Душанба куни эса мактаб хувиллаб, совуқдек туюлди. Чунки сен аттестатингни олдинроқ олиб Тошкентга жўнаб кетгандинг. Пойтахтдаги манзилингни топдим. Янги йил баҳонасида табриқнома жўнатдим, кутганимдек хат келди. Шунда кувончимни кўрсанг эди. Юрагим ёрилиб ўлмаганимга ҳайронман. Бир амаллаб зўрға икки кунни ўтказдим-да, жавоб хатини эдим. Хатингда мени унутмаганингни ёзган эдинг... Ҳар ўн беш кунда хат олардим, хатлардан дўстликдан бошқа нарса ни пайқаш қийин эди. Ҳа майли, менга шунинг ўзи ҳам улкан кувонч бахш этарди. Худо мени чиройдан қисмаган эди, шунинг учун ўзимга оро бермасдим. На зебзийнатга, на кийим-кечакка қизиқардим. Сени қачон таътилга келишингни аниқлардим, ўша кун-

ларгина кўзларимга сурма тортиларди. Аммо қишлоққа аллақачон келиб-кетганингни эшитиб, тунлар ёстигим кўз ёшлардан нам тортиб қоларди.



Кейин сендан одатгайдек қисқагина-ўқишлар нихоятда кийинлигидан нолиган хатларди.

ке-Зўрға кун ўтка-зиб ўз мактабимни йўллардим. Лекин мен ҳам ҳисларимни ошкор этмасдим, этолмасдим ҳам. Чунки бир хатингда “Севгидан устун нима бор?” деб савол берган эдинг. Мен “Энг кучли нарса севиғи”, деганман. Гадаги хатингда “Севгидан кучли нарса бор, у ҳам бўлса ор-номус”, деб мени изза қилган эдинг. Ҳа, қиз боланинг йигитга севиғи изҳор қилиши номуссизликда, бошқа нарса эмасдир, лекин севиғимнинг кучига бардош бериш мушкуллигини тушунтиролсам эди... Учинчи июл куни эди. Сенга бироз ўпка-гина қилиб хат эдим. Ахир бугун сени кўрмаганимга уч йил тўлди. Энди сенинг мени севишганингда, фақат кўнгли учунгина хат ёзишингда амин бўлгандим.

(Давоми бор.)

**САРВИНОЗ**

**Биле Оила ва жамият га БИРИНЧИЛАРДАН ОБУНА БЎЛДИК**

Яқинда мактабимизда “Обуна-2003” мавсуми бошланди. Ҳамма бўлса экан” деган ниятда бири бири билан маслаҳатлашмоқда. Эндигина ишга келган, ҳали ўйланмаган ёш физиклтурга ўқитувчиси Баҳриддин ёнидаги опадан: “Опа, “Оила ва жамият”га обуна бўлмоқчиман, нима дейсиз?” - деди. Аёл: “Э, тўғри қиласиз, зўр газета-ҳақида, мақола-хатлар, дардаламлар, ҳасрат ва афсуслар, севиш ва бахт кўз ёшлари, қолаверса турмуш муаммолари ҳақида бу газета”, деди.

Ҳа, бу рўзнамо ҳозирда республикамизнинг барча хонадонлариға кириб, қалб тўридан жой олган

ни аниқ. Негаки, дўкундан пайшанба кунини эрталабгача газетани сотиб олсангиз олдингиз, бўлмаса йўқ. Кейин дўкунма-дўкун чапарверинг. Яқинда 9-синф ўқувчимиз: “Кизим, уйларинг олдидаги дўкундан “Оила ва жамият” олиб кел” - дедим, “Устоз, мен ҳам севиб ўқийман, уйимиздагилар навбатма-навбат ўқиб чиқишади. Базъан ҳаммамиз йиғилиб муҳокама қиламиз”, деди. Хуллас, газета ҳақида икки оғиз сўз:

Газета саҳифаларида берилган Басира Сайдалиева, Лола Аҳмедова, Тохир Норимов, Миробид Мирсодиқов, Афиға Ҳасан қизи, Чўлпоной Мелиқўшиева, Дилмурод Саййид, Юнус Толипов, Файбулла Абдуллаев, Сафия Узо-

қова каби қалами ўткир ижодкорларнинг муаммолари ва кўнглини қитикловчи чиқишлари жуда оҳандор ва қизиқарли. Шундай ижодкорлар борлигини элга танитган бу газета муҳаррири Дилбар опа Саидовага минг раҳмат, негаки эл ташвиши билан яшамок ҳам бахт.

“Оила ва жамият” қадамнинг қутлуғ, ўзинг улуг, чиқишларинг соз, сенда чиқаётганлар сарафроз, қанотинг эса баландларвоз бўлаверсин. Сенинг халқ ардоғида, эл байроғида қилпирашингни истайман. Эзгу ишларинг омад билан бирга бўлсин, халқимиз оилаларидан кут-барака, ораларидан меҳр-муҳаббат аримасин. Обуначиларинг сафи ортаверсин, деб тилак билдирувчи ашаддий муҳлисанг,

**Дилбар НОРМУРОВОВА  
Термиз шаҳри**

**Биле Оила ва жамият га**

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фидаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот таркатувчи»  
Акционерлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - Яқка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 1139. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.  
Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 3215  
Саҳифаловчи - Акбар ШОДИЕВ.  
Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.  
Набатчи - М. СОДИҚОВ.